



# MILLIY TIKLANISH

21 (505) ● 2018 йил 23 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май кuni мамлакатимизда расмий таширф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгуни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустақамлашиб бораётгани, шунингдек, амалий ҳамкорлик томонларни қизиқтирган барча йўналишларда жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Мамлакатларимиз идоралари, худудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида алоқа ва алмашинувлар фаоллашгани, иқтисодиётнинг турли тармоқлари

ва ижтимоий соҳада истиқболли кооперация дастурлари ва лойиҳалари биргаликда амалга оширилаётгани, маданий-гуманитар йўналишда самарали ҳамкорлик қилинаётгани алоҳида таъкидланди.

Суҳбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки томонлама тадбирлар ўтказиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мудофаа вазири давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларини модернизация қилиш ва мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга доир ташаббуслари юқори баҳоланди.

Россия мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қиладиган икки томонлама кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлашга тайёр экани таъкидланди.

ЎЗА

Муносабат

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз томонидан ташқи сиёсат борасида амалга оширилаётган жадал чора-тадбирлар Марказий Осиё ва унинг ташқарисида мутлақо янги геосиёсий муҳитни шакллантирмоқда. Буни таниқли экспертлар, сиёсатчилар ва халқаро ташкилотлар вакиллари бот-бот таъкидламоқда. Давлатлараро муносабатлар яхшиланиши, ўзаро стратегик шерикликнинг натижалари мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини юксалтириб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига замин бўлади.**

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга қилган расмий таширфи ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Бунгача чорак аср давомида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида яхши шерикчилик муносабатлари йўлга қўйилган эди, жорий йилнинг 15-17 май кунлари бўлиб ўтган мазкур таширф эса бу муносабатларга янги суръат бахш этди. Хусусан, расмий таширф натижалари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниб, 4,8 миллиард доллар миқдорда 20дан ортиқ йирик шартномалар имзолангани халқаро ташкилотлар, экспертлар ва хориж оммавий ахборот воситаларида ҳам тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Бу, албатта, дастлабки қадамлар. Ҳамкорлик йўналишлари аниқ белгиланганлигини инобатга олсак, алоқаларимиз янада кенгайиши шубҳасиз.

2-бет

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ЛОЙИҲА ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ва тасдиқлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш тартибини соддалаштириш, шунингдек, капитал қурилишда пудратчиларнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг давлат ривожланиш дастурларига киритилган лойиҳаларни фойдаланишга "тайёр ҳолда топшириш" шарти асосида (Engineering Procurement Construction) (кейинги ўринларда – ЕРС-пудратчилар) "fast-track" услубида (бир вақтнинг ўзиде лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) реализация қилишда пудратчиларга, жумладан, хорижий пудратчиларга қурилиш соҳасидаги тегишли лицензиялар ва (ёки) рухсатномаларни олмасдан,

лоийҳаларни сифатли амалга ошириш бўйича тўлиқ жавобгарликни ЕРС-пудратчиларга юклаш шарти билан бир марталик рухсат беришга ҳақли;

ЕРС-пудратчилар "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилиш учун рухсат олишда шу каби лойиҳалар бўйича амалий тажрибага, муайян молиявий кўрсаткичлар ва малакали муҳандислар таркибига эга бўлиши ҳамда Агентлик томонидан белгиланган бошқа мезонларга мос келиши шарт;

Архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш Агентлик томонидан амалга оширилади.

2. Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш фаолиятини лицензиялаш бекор қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон иловасида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви

миллий агентлиги қошидаги Аккредитация маркази (кейинги ўринларда – Марказ) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказадиган шахсларни аккредитациялашга масъул орган ҳисобланади;

Агентлик давлат буюртмачиси ва "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилишга рухсат олган ЕРС-пудратчиси ўртасида давлат харидлари ҳақида тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат беришга ҳақли.

4. Марказга "fast-track" услубида лойиҳаларни реализация қилишга рухсат олган ЕРС-пудратчилар томонидан техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ва (ёки) миллий норматив ҳужжатлардан фойдаланиш талабларини белгиллаш ҳамда келишиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги "Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5392-сон Фармони учинчи бандининг бешинчи хатбоши ҳамда

унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

архитектура ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳамда қурилиш соҳасидаги айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш учун киритишни; қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритишни таъминласин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 22 май

### Амалий семинар

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



**Мамлакатимиз ҳаётида барча соҳада туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни кечаётган айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Президентимизнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан учрашувдаги маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятини тизимли равишда, "халқ — жамият — давлат" манфаатлари нуқтаи назаридан ташкил этишига интиломоқда. Партия ўз фаолиятида асосий эътиборни тадбирларга эмас, амалий ишларга қаратаёттир. Бунда ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари ҳамда партия ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим омил бўлаёттир.**

4-бет

ЎзМТДП фракциясида

## ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ҲУЖЖАТЛАР — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

**Мамлакатимизда бугунги кунда ҳар бир соҳа ва йўналишда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — халқимизни ҳаётдан рози қилиш. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонлар ҳам айни шундай мақсадга қаратилган. Бунда, айниқса, мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб этиши муҳим аҳамиятга эга.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган қарорлари мазмун-моҳияти, партия фракциясининг улардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда дастлаб Президентимизнинг шу йил 12 майдаги "Буюк аллоmlар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти ва унда кўзда тутилган вазифаларга тўхталиб ўтилди.

4-бет

# ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Очиқ ва самимий руҳда бўлиб ўтган учрашууда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Юзма-юз мулоқотда Президент Дональд Трамп Ўзбекистоннинг мустақиллиги, худудий ахлитлиги ва суверенитетига қатъий содиқлигини таъкидлаб, Президентимиз раҳбарлигида Ўзбекистонда муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишда эришилаётган ютуқларини эътироф этди.

Президент Дональд Трамп Ўзбекистон Республикасини Марказий Осиёда лидер давлат сифатида эътироф этгани Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсатга берилган яна бир юқори баҳодир. Дунёда энг ривожланган давлат билан кенг ҳамкорлик ўрнатилгани, иқтисодиётимизнинг барча соҳасига замонавий, юқори технологияларнинг жалб этилиши, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизни янада ривожланишга олиб келади. Шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг кенгайишига, давлатимизнинг сиёсий обрўси янада ошишига хизмат қилади.

Тарихий ташриф давомида қабул қилинган «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши» деб номланган Қўшма баёнотда томонларнинг нафақат бугунги кун ёки яқин келажакка, балки истиқболга мўлжалланган муштарак интилишлари акс этган. Мазкур баёнотнинг қабул қилиниши иккала мамлакатнинг ўзаро муносабатларида янги марралар сари дадил қадам бўлиб қолади. Бу ҳар бир соҳа ва йўналишда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, соҳалар ривожига ҳамда янги иш ўринлари яратилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, нефть-газ, саноат, ташқи савдо, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга оид имзоланган йирик шартномалар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро савдо ҳажминини ошириш ва иккала мамлакатда янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Қолаверса, икки давлат ўртасида сиёсий, парламентларо



гайтириш ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган келишувлар амалга оширилади. Зеро, минтақада тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг ҳам, АҚШнинг ҳам энг асосий мақсадларидан бирidir. Бу борада сўз кетар экан, АҚШлик ҳамкорларимиз Ўзбекистонда

ва ҳарбий соҳаларда эришилган келишувлар яқин ва узоқ истиқболда ўзининг юксак самараларини беради. Беш йилга мўлжалланган илк ҳарбий ҳамкорлик режасини амалга татиқ қилиш орқали мудофаа соҳасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади.

АҚШ Конгрессидаги мулоқотлар ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Президентимиз билан мулоқотда бўлган америкалик сенатор ва конгрессменлар давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга, жумладан, давлат бошқарувини такомиллаштириш, демократияни, иқтисодий эркинликни илгари суриш борасидаги ишларга юқори баҳо бердилар. Конгрессмен Трент Келли кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ишонч аввалги даврлардагига нисбатан кескин мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Президентимиз АҚШда Ўзбекистон билан парламентларо алоқаларни илгари суришга қаратилган ҳамкорлик гуруҳини таъсис қилиш ташаббусини билдиргани ва АҚШлик конгрессменлар мазкур ташаббусга катта қизиқиш билан қарагани алоҳида эътиборга молик. Ушбу ҳамкорлик гуруҳи икки томонлама парламентларо мулоқот ҳамда ўзаро ишончли мустаҳкамлашда алоҳида ўрин тутди.

Америка Қўшма Штатлари халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистон билан азалий шериклигини алоҳида эътироф этди. Иккала давлат раҳбарлари экстремизм ва халқаро терроризмнинг умумий таҳдидларига қарши курашиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Бу борада икки томонлама ҳамкорликни кен-

амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, юксалиш ва тараққиёт замирида, аввало, барқарор ва кафолатли тинчлик-осойишталик мужассам эканини эътироф этганини таъкидлаш жоиз.

Ташриф давомида таълим, маданият соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини юқори баҳоладилар. Президент Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди. Бу эса мамлакатимизда таълим, хусусан, инглиз тилини кенг ва чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи кейинги икки йил мобайнида мисли кўрилмаган сурушатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг мантиқий давоми сифатида мамлакатимиз ривожига муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ушбу тарихий ташрифнинг мазмун-моҳияти, ўзаро ҳамкорликда имзоланган шартномаларнинг аҳамиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш лозим. Бунда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари ҳам фаол иштирок этади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

**Замон талабларига жавоб берадиган таълим тизimini ривожлантириш мамлакатимиз тараққиёти, жамият истиқболини белгилайдиган асосий омиллардан бири саналади. Айни шу эҳтиётдан АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси ўринбосари Элис Уэллс ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилов томонидан имзоланган иккита келишувни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Биринчи Англиш мемурандуми АҚШ университетлари ва Марказий Осиёдаги олий таълим муассасалари доирасида бўлиб, унинг асосида Ўзбекистонда уч йиллик ҳамкорликни назарда тутувчи дастур ўрин олган, иккинчи Англиш мемурандуми эса Ўзбекистон бўйлаб инглиз тили дастурларининг молиялаштирилишини кенгайтиришга қаратилган. У университет талабалари, журналистлар ва бошқа мутахассисларни ўқитиш, инглиз тили ўқитувчилари салоҳиятини ошириш ҳамда ўқитувчи ва талабаларга онлайн таълим имкониятларини яратади.**

Халқаро таълим соҳасида талабалар алмашуви бўйича «Open Doors» («Очиқ эшиклар») ҳисоботида таъкидланишича, АҚШ коллежлари ва университетларида таълим олаётган ёшларнинг сони 2015–2016 ўқув йилида биринчи марта бир миллиондан ошиб кетган. Уларнинг 530 нафари ўзбекистонлик талабалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда қабул қилинган «Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди олий таълим тизimini тубдан такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашнинг мазмун-моҳиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш каби устувор йўналиш ва вазибалар белгиланган. Олий

таълим тизimini комплекс ривожлантириш Дастурини тузишда хорижий етуқ мутахассисларни жалб этиш, олий таълим тизimini келгусида ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш энг муҳим вазибалар сифатида белгиланди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида 2010 йилда имзоланган илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги келишув доирасида 2011 йилда Урганч давлат университети ва Калифор-

ния давлат университети (Фуллертон шаҳридаги) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Натижада 2014 йилнинг май ойида Калифорния давлат университетида АҚШ — Ўзбекистон олимларининг биринчи халқаро конференцияси ўтказилди. 2017 йил август ойида эса АҚШ — Ўзбекистон олимларининг иккинчи халқаро конференцияси Урганч давлат университетида ўтказилиши ҳам бу икки мамлакат ўртасида таълим тизимидаги алоқалар давом этаётганидан далолатдир.

Ўзаро учрашув чоғида Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини маъқуладилар. Президент Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Албатта, бугунги кунда юртимизда таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани барчамизга аён. Пировардида, ёшларимиз халқаро фан олимпиадаларида юксак натижаларни кўлга киритмоқда. Бундай ҳамкорлик мамлакатимизда таълим тизimini янги bosқичга кўтаришга кўмак беради. Ўзбекистон делегациясининг

АҚШга расмий ташрифи муносабати билан «Виллард интерконтинентал» меҳмонхонасида бўлиб ўтган учрашув ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Унда икки мамлакат расмий делегацияси аъзолари, вазирик ҳамда компаниялар раҳбарлари, бизнес ва илмий доиралар вакиллари иштирок этди. Учрашууда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб қилишга улкан ҳисса қўшаётган Фредерик Старр ҳамда унинг тимсолида барча америкалик олимларга ташаккур билдиргани АҚШдаги зиёлиларга мамнуният бағишлади. Шунингдек, кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун мақом ансамблининг sobиқ хонандаси Инро Малаковга «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» фахрий унвони берилгани ҳам халқимизнинг санъатсеварлик ва бағрикенглик фазилатларини амалда яққол намоён этди.

Илҳом РАЖАБОВ, ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раиси



**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида ташрифи ўзаро муносабатларда янги bosқич, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожига дадил қадам бўлди. Музокараларда асосий эътибор ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш, янада ривожлантиришга қаратилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки бугун Ўзбекистон Марказий Осиёда энг қулай жойлашган, иқтисодий тез ривожланаётган, бой табиий ресурсларга ва юқори малакали ишчи кучига эга, минтақанинг энг салоҳиятли мамлакати ҳисобланса, Америка Қўшма Штатлари дунёдаги энг ривожланган, иқтисодий жиҳатдан юқори даражада диверсификацияланган, ишлаб чиқариши юқори ва илгор технологияларга асосланган индустриал мамлакатдир.**

## МАМЛАКАТ РИВОЖИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ШЕРИКЛИК

Шу билан бирга, АҚШ иқтисодиётида инновациялар тармоғи жуда ривожланган, илмий ва фан-техника ютуқларини татиқ этиш, янги кашфиётларни экспорт қилиш, ихтиро ва энг илгор илмий ишланмалар борасида етакчи давлат ҳисобланади. Ташриф давомида ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилганлиги мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида белгилаб олинган устувор вазибалар ижросида муҳим ўрин тутди.

Бугун мамлакатимизда америкалик инвесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 180 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Айни чоғда Американинг «Boeing», «General Motors», «General Electric», «CNH Industrial» каби йирик компаниялари ва бошқа корхоналари ўз фаолиятини муваффақиятли олиб бормоқда. Шу ўринда мамлакатларо манфаатли ҳамкорликни таъминлашда бизнес ва ишбилармон доира вакиллари ҳамда инвесторларнинг роли беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу боис ташриф доирасидаги икки томонлама музокараларда компаниялар, бизнес тузилмалар ва ишбилармон доираларнинг ўзаро

алоқаларини янги поғонага кўтариш, илгор инновацион ишланмалар, юқори технологиялар, машинасозлик, саноат, ёқилғи-энергетика, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларда биргаликдаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор келишувларга эришилди. Хусусан, ташриф давомида мамлакатимиз ва АҚШ компаниялари ўртасида тузилган шартнома ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши юртимиз иқтисодий салоҳияти ҳамда рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим ўрин тутди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг ушбу тарихий ташрифи Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазибаларини белгилаб, давлатлар ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди.

Абдурашид ТЎХТАБОВЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига ташрифи ҳамда унинг доирасида бўлиб ўтган турли даражадаги учрашувлар, жумладан, Оқ уйда АҚШ Президенти Дональд Трамп билан бўлиб ўтган самимий мулоқотни юртдошларимиз ойнаи жаҳон орқали ҳаяжон ҳамда фахр-ифтихор билан кузатиб боради.**

Давлатимиз раҳбарини аэропортда америкалик ёшлар ўзбекча салом билан кутиб олгани, Вашингтон кўчаларида юртимиз делегацияси икки мамлакат байроқлари остида олқишлаб турилгани мазкур ташрифга Америка Қўшма Штатларида қизгин ҳозирлик кўрилганидан далолат беради.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив сиёсати ҳамда бу борада амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва ташаббусларни АҚШ Президенти Дональд Трамп алоҳида эътироф этиб, «... Минтақадаги таъминот йўларини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга хизмат қиладиган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қиламан», дея таъкидлади.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари нафақат савдо-иқтисодий ёхуд сиёсий-хавфсизлик, балки маданий-гуманитар соҳада ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Сўнги йилларда илм-фан ва таълим соҳасида янги алоқалар ўрнатиш ва эришилган келишувларни амалга ошириш, энг аввало, маданий-гуманитар ва илмий-маърифий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида амалий қадамлар қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, АҚШ инновациялар ва юқори технологиялар соҳасида юксак натижаларга эришган. Мамлакатимизда барча соҳани модернизация қилиш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда АҚШ инновациялари ва технологияларини кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, янги технология ва инновациялар нафақат иқтисодий ўсишнинг муҳим кафолати, балки ижтимоий муносабатларни замонавий тарзда ташкил қилиш омили ҳамдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, АҚШ технологияси кирган давлатда ҳисоб-китоб

жойида бўлади, коррупция ва ўғриликка йўл қўйилмайди.

Эътибор қаратадиган бўлсак, сўнги икки йилда Ўзбекистон — АҚШ муносабатларида мисли кўрилмаган фаоллашуви кузатишимиз мумкин. Бунга, биринчи навбатда, икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси туфайли эришилмоқда. Биргина 2017 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари икки мартаба — Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-муслмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ҳамда сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашдилар. Шунингдек, давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш юзасидан қатъий интилишни намоён этганлари ҳолда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеалар муносабати билан телефон орқали мулоқотда бўлдилар ҳамда ўзаро табриқномалар алмашиб турди.

Президент Дональд Трампнинг таклифи биноан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ушбу расмий ташрифи, унинг доирасида ўтказилган олий даражадаги учрашувлар, эришилган келишув ва имзоланган битимлар икки мамлакат муносабатларини том маънода стратегик шериклик даражасига кўтаргани шубҳасиз.

Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиёда, балки бутун жаҳонда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суришини, халқлар ҳамда элатлар ўртасида ўзаро аҳиллик, ҳамкорлик ришталари мустаҳкам бўлишини истаиди ва ўзининг оқилона сиёсатида ушбу гоғларни илгари суради. Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи доирасидаги учрашувларда ҳам ана шундай ўзбекона самимият ҳамда бағрикенглик яққол ифодаланди. Бу самимият дунё ҳамжамияти, АҚШ сиёсатчиларини ҳам бефарқ қолдирмади.

Барно ИСЛОМОВА, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат



# ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

## ЯНГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ДАВРИДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



ривожланишнинг муҳим омилларидандир. Ўзбекистонда парламентаризмни янада ривожлантириш жараёнида демократик институтлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Икки мамлакат парламентаризми асосий йўналишлари ўзаро тажриба алмашишни кенгайтириш заруриги таъкидланди. Айниқса, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро дўстлик гуруҳини тузиш, икки томонлама ҳужжатларни ратификация қилишни жадаллаштириш ҳамда бу борада кўшма мониторинг олиб бориш бўйича парламентлараро мулоқотларни амалга ошириш, ҳамкорликнинг барча йўналишларида парламентлараро алоқалар самардорлигини кучайтиришга ҳизмат қиладиган ғоялар, ташаббуслар ва маслаҳатлар алмашувини йўлга қўйиш мақсада мувофиқдир.

Аслида ҳам парламентаризм, қонун ижодкорлиги фаолияти ва парламент назоратини ривожлантиришда АҚШ тажрибаси, хусусан, АҚШ Конгрессининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим. Давлат ҳокимиятини демократик аниқлаш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини, қонунлар ижросини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан тегишли жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини кучайтириш масалалари бўйича ҳам америкалик ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр алмашилди.

Президентимизнинг АҚШга расмий ташрифи доирасидаги амалий мулоқотлар мисолида парламентлараро мулоқот механизмлари ҳаётини зарурат экани аққол тасдиғини топди. Парламентлараро муносабатларнинг мустақамлаштириш бораётгани парламент фаолияти бўйича тажриба алмашиш учун янги имкониятлар яратмоқда. Мамлакатларимиз парламентларининг шў ташрибасини ўрганиш ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир.

АҚШ Конгрессида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликка катта эътибор берилди. Айни вақтда парламентлараро ҳамкорлик ва парламент дипломатияси серқирра мазмунга эга бўлиб, фуқаролик жамиятининг хоҳиш-иродасини самарали ифода этмоқда, халқро мулоқотни ривожлантиришда давлатнинг тенг ҳуқуқли ҳамкори бўлиб қолмоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президентининг жорий йил 4 майда имзоланган "Мамлакатни демократик аниқлаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони АҚШ конгрессменларида қизиқиш уйғотгани табиийдир. Маълумки, бу тарихий ҳужжатдан Президентимизнинг бугунги кун ва яқин истиқболда Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ташаббуслари ўрин олган. Ушбу фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда қўллаш ҳамда мазкур маслаҳат кенгашининг вазифасига қиради.

Ҳар икки давлат раҳбарлари асосий инсон эркинликларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, диний эркинликни илгари суриш бўйича конструктив ҳамкорликни фаоллаштириш тарафдоридирлар. Президентимиз диний эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли "йўл харитаси"ни ҳаётга табиқ қилишга қатъий тайёр эканлигини эътироф этди.

Президентлар икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз хиссасини қўшадиган Халқро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини олқишладилар. Президент Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини эътироф этди ҳамда "Америка овози"нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинганлиги ва унинг Америка оммавий ахборот воситаларини учун ушбу мамлакатда кенг имкониятлар яратишини юқори баҳолади.

Расмий ташриф доирасидаги асосий муоамалар марказида турган мавзулардан яна бири — инсон ҳуқуқлари масаласи бўлди. Президент Дональд Трамп Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатни яхшилашга қаратилган кенг ислохотлар дастурини мамнуният билан қарши олди. Ушбу ютуқлар иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиши таъкидланди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари иштирокида Вашингтон шаҳридаги Миллий пресс-клубда "Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар" мавзусида ташкил этилган конференция ҳам худди шу масалага бағишланди. Конференцияда кейинги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ишлар дунё жамоатчилиги томонидан

алоҳида эътирофга сазовор бўлаётгани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Бу йил мазкур халқро-ҳуқуқий ҳужжатнинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 5 майдаги Фармони билан "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури" тасдиқлангани муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йил давомида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир бир қатор янги қонун ва қарорлар қабул қилинади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 70 йиллиги муносабати билан миллий ва халқро даражадаги турли йирик анжуманлар ташкил этилади. Бу борадаги нуфузли халқро тадбирларда Ўзбекистон вакиллари фаол қатнашади. Ана шундай амалий тадбирларнинг якуни сифатида шу йил ноябрь ойда Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осие халқро анжуманини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқро шартнома иштирокисидир. Мамлакатимизда миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мониторингини миллий тизими шакллантирилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатлари муттасил такомиллаштириб борилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида мамлакатнинг халқро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустақамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Америка конгрессменлари ва экспертларининг фикрича, мустақил ривожланиш бўйича қисқа вақт ичида Ўзбекистонда тўпланган самарали парламентаризмнинг бой тажрибаси демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, бутун давлат механизмларининг тизимли ишлашини таъминлашга ҳизмат қилмоқда. Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижалари қўллаб-қувватлаш учун намуна бўлиши мумкин.

АҚШ Конгресси ва Сенатида бўлиб ўтган учрашувлар мисолида парламентлараро мулоқот мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ташаббусларни ўрин олган. Ушбу кунда қўллаб-қувватлаш учун катта хавф туғдираётган терроризмни бартаф этишда ҳамкорликда кураш олиб бориш энг тўғри йўллар. Боиси Ўзбекистоннинг ҳам, АҚШнинг ҳам энг асосий мақсадларидан бири минтақада тинчлик ва осойишталикни мустақамлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг расмий ташрифи якунида АҚШ Президенти Америка халқи номидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Оқ уйга тарихий ташрифи учун миннатдорлик билдирар экан, Марказий Осиеда анчайин мураккаб вазият юзга келаётган, ҳамкорлик учун янги имкониятлар пайдо бўлаётган бир пайтда бугунги мулоқотимиз стратегик шериклигимизни янгилашга ёрдам берди, дея очик баёнот берди.

АҚШ Президенти мазкур ташриф муносабати билан ташкил этилган қабул маросими иштирокчиларига мурожаатида: "Минтақадаги таъминот йўлларини қўллаб-қувватлаш ва Афғонистон билан алоқаларни яхшилашга ҳизмат қиладиган иқтисодий лойиҳаларни сармоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Президент Мирзиёевга ҳурмат-эътиромимини изҳор қиламан", деб алоҳида қайд этди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга расмий ташрифи, ҳеч шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда изчил ривожланиб ва тобора юқсалиб бораётганини амалда ёрқин намоён этди.

**Акмал САИДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси  
Демократик институтлар,  
нодавлат ташкилотлар  
ва фуқароларнинг ўзини  
ўзи бошқариш органлари  
қўмитаси раиси,  
ЎЗМТДП фракцияси  
аъзоси



Ўзбекистон геосиёсий нуқтаи назардан Марказий Осие минтақасида энг қўлай маконда жойлашган. Шу боис, у ўзининг янги йўналишдаги ташқи сиёсатида, энг аввало, қўшни мамлакатлар билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бироқ шу билан бирга, узоқ хориж мамлакатлари, биринчи навбатда ривожланган етакчи давлатлар билан муносабатларини ҳам янги босқичга олиб чиқайтгани жасон сиёсий институтлари ва кенг жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Шу йилнинг 15-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий ташрифи бунинг аққол исботидир.

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

Бугун жаҳоннинг аксар мамлакатлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар тез-тез тилга олинмоқда. Бу икки давлат раҳбари ҳамда Шавкат Мирзиёевнинг АҚШ сенаторлари билан учрашувларида ташкиллаштирилган матбуот брифингларида берилган саволларда ҳам аққол намоён бўлди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақада ҳам геосиёсий ва стратегик, ҳам ташқи сиёсатда ўз ўрни ва нуқтаи назарига эга эканлиги АҚШ томонидан қизгин қўллаб-қувватланишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида жаҳонда рўй бераётган воқеликни атрофича таҳлил қилиш, ўрганиш, унга ҳолис ва аниқ баҳо бериш ҳар қандай давлат ташқи сиёсатининг муҳим вазифасига айланмоқда. Бу ташриф доирасида амалга оширилган олий даражадаги учрашувларда бир неча бор такрорланди. Халқро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалаларида икки мамлакат ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Америка Қўшма Штатлари жуда кўп соҳада жаҳоннинг етакчи мамлакатларидан бири саналади. Мамлакатда жорий этилган қонунчилик тизими, давлат бошқарувидаги демократик тамойил ва анъаналар, иқтисодий, фан-таълим ҳамда инновация соҳаларда эришган ютуқлари мактовга лойик. Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, саноат, илм-фан, инвестиция ва бошқа соҳаларда истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан муҳим келишувларга эришилгани, хусусан, давлат раҳбарларининг "Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши" деб номланган Қўшма баёноти қабул қилингани, турли соҳаларда 12 та муҳим ҳужжат имзолангани ташрифининг нақадар самарали яқунланганидан дарак беради. Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашувда мамлакатимиз иқтисодийётига, аниқроғи, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, боғдорчиликни ривожлантириш, саноат корхоналари энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш каби соҳаларга инвестиция жалб этиш бўйича келишувлар имзоланди.

Мухтасар айтганда, ушбу ташриф Ўзбекистоннинг халқро муносабатлари тарихида, миллий ва минтақавий манфаатлари йўлида янги саҳифа очди.

**Тожибой РОМАНОВ,**  
ЎЗМТДП Қорақалпоғистон  
Республикаси  
кенгаши раиси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида расмий ташрифи тафсилотлари наинки "Америка овози" телерадиоси, "The Associated Press" ва "The Washington Post" каби АҚШ оммавий ахборот воситаларида, балки дунёдаги энг нуфузли ахборот агентликлари, матбуот ва телерадиокорпорациялар диққат марказида бўлди. Улар ушбу ташриф қутилганидан ҳам самарали бўлиб ўтгани хусусида мунтазам ахборот, таҳлилий мақола, эшатириш ва кўрсатувлар бериб борди.

# МУШТАРАК ҚАДРИЯТЛАР

Таъкидлаш жоиз, ўтган икки йил мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо қилиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, тараққиётимизни янги босқичга кўтариш, умуман, барча соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилиб, жамият ҳаёти, одамларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ муаммо ва камчиликларга халқ билан очик, ошқора мулоқот асосида ечим топилмоқда. Энг муҳими, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, Давлат дастурларида фуқароларимизнинг фикр-мулоҳазалари, хоҳиш-истаклари инобатга олинаётди. Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат қурилишини такомиллаштириш, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, барча соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур уйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгиланганлиги алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Президенти билан мулоқоти ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш руҳида ўтганини алоҳида таъкидлади. "Биз бу тарихий ташрифини кейинги икки йил мобайнида мисли қўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг мантиқий давоми, деб биламиз. Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтаи назардан бир-биридан олисда жойлашган бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради", деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ушбу расмий ташриф натижалари икки давлатнинг муштарак мақсад ва манфаатларига бирдек ҳизмат қилади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик мамлакатимиз миллий манфаатларига тўла мос келади ва унинг ривожланишига замин яратади.

Дарҳақиқат, ушбу расмий ташриф натижалари икки давлатнинг муштарак мақсад ва манфаатларига бирдек ҳизмат қилади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик мамлакатимиз миллий манфаатларига тўла мос келади ва унинг ривожланишига замин яратади.

Дарҳақиқат, ушбу расмий ташриф натижалари икки давлатнинг муштарак мақсад ва манфаатларига бирдек ҳизмат қилади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик мамлакатимиз миллий манфаатларига тўла мос келади ва унинг ривожланишига замин яратади.

**Отабек ЖИЯНБОВЕВ,**  
ЎЗМТДП  
Тошкент шаҳар  
кенгаши раиси



## ЎзМТДП фракциясида

ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИГА ҲАМОҲАНГ  
ҲУЖЖАТЛАР — ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

## &lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Маълумки, она диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак инсонпарварлик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий тамаддун ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Муҳторов. — Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар — математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат юртимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги сифатида бутун дунё жамоатчилиги томонидан эътибор эгилади. Давлатимиз раҳбарининг "Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ана шу бой маънавий меросимизни ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Барчамизга маълум, яқинда ўтказилган "Ёш китобхон" танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига "Президент совғаси" — енгил автомашина топширилган ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига катта таъсир ўтказди. Шу маънода мазкур қарор асосида ташкил этиладиган китобхонлик танловлари ёшларда китобхонлик маданиятини янада оширишга, айниқса, аждодларимизнинг бой меросини кенг ўрганишга хизмат қилади.

Қарорга кўра, 2018 йилги танловлар Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқис ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алпомиш", "Тўрғўл", "Кунтўғмиш" каби халқ дostonлари бўйича ўтказилади. Кейинги танловлар даврлаштирилган ҳолда давом эттирилади. Танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган катнашчиларни енгил автомобиллар билан тақдирлаш, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилган.

Йилгида таъкидланганидек, мазкур ҳужжатда кўзда тутил-

IT ROLINI KUCHAYTIRISHNING  
SHARTI HISOBLANADI.

ган мақсад-вазифалар партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг омалаштиришга хизмат қилади. "Ёш китобхон" танловлари ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга, уларнинг қалбига она Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтиришга ҳисса қўлади. Шу боис, барча партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари мазкур қарор ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Йилгида яна бир муҳим ҳужжат — Президентимизнинг шу йил 14 майда қабул қилинган "Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳиятига ҳам эътибор қаратилди.

Қайд этилганидек, кундалик ҳаётимизда зарур бўлган маҳсулотларни электрон тижорат ёрдамида буюртма бериш ва қабул қилиб олиш борасида қатор қўлайликлар яратилди. Шундай маҳсулот ва хизматлар борки, уларни етказиб беришда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилади. Ушбу қарорда айни шу жиҳат назарда тутилган: электрон тижорат

орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга руҳлат этилмоқда.

Бундан ташқари, мазкур қарорнинг қабул қилиниши маҳаллий тадбиркорлик субъектларига жаҳон бозорига кириб бориш, маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини оширишга, ўз маҳсулотларини реализация қилишда янада қўлай шароитлар яратиб беради.

Шерзод КУЛМАТОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Қонунчилик палатаси мажлисида қўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унинг асосий мақсади — ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш юзасидан мониторинг тартиби ҳамда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришдан иборат. Қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 255-моддасига қўшимчалар киритилмоқда. Яъни мазкур Кодекснинг 51-моддаси талаблари бўйича қонунбузилиш аниқланган ҳолларда меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари ва меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишлари белгиланмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси ва "Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун қонунчиликда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини амалга оширишни назарда тутувчи банд билан тўлдирилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу эса ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ўзаро ҳурмат, эътиром кўрсатиш, саховатпешалик сингари халқимизга хос хусусиятларга ҳамоҳанг ва уйғундир.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси, аввало, партиянинг мақсад-вазифаларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳамоҳанглиги лавозими ўрнига жорий этилган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозимини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби сақлаб қолинмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис фаолияти ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилишига хизмат қилади. Фракциямиз аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳасига ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Муҳтарам КОМИЛОВА,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## Амалий семинар

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

## &lt; Давоми. Бошланиши 1-бетда.

18-19 май кунлари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган "ЎзМТДП ташкилотлари фаолияти самардорлигини оширишнинг долзарб масалалари: муаммо ва ечимлар" мавзусидаги амалий семинар ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада юқори поғонага кўтаришга қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия Марказий кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Амалий семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирок этди.

— Бугунги давр сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмаларидан ўз фаолияти самардорлигини тубдан оширишни, амалга ошириладиган ислохотларга ҳамоҳанг равишда ташаббускор бўлишни талаб этимоқда, — деди партия етакчиси. — Шу боис ЎзМТДП ҳаётида партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси фаолиятини том маънода кучайтириш, уларнинг аҳоли билан ишлаш, янги қабул қилинадиган ҳуқуқий ҳужжатларга тақдирлар бериш, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда партия дастурий вазифалари ижросини таъминлаш жараёнидаги фаолиятини оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлдаги видеоселектор йиғилишида депутатларнинг иш услубини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида сиёсий партиялар орқали жойларда "Марказ — вилоят — туман" тартибда ишлайдиган янги тизимни жорий этиш масаласини илгари сурган эди. Бугун ана шу тизим асосида жойлардаги партия гуруҳларимизнинг қонунлар ижросини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан тақдирлар тайёрлашдаги иштироки кенгайиб бормоқда. Партияимизнинг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси асосида олиб бориладиган ишларда барча даражадаги депутатларимиз, партия ташкилотлари фаол иштирок этишга интилоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари шу йилнинг ўтган даврида 20 дан ортиқ қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этиб, партия ғоя ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тақдирлар берди. Фракция аъзолари ташаббуси билан 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани эътиборга молик. Бундан ташқари, бир қатор қонун лойиҳалари ҳудудий партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз муҳокамасига тақдим этилиб, уларнинг ҳам тақдирлари, фикр-мулоҳазалари олинди.

Маълумки, Президентимиз раҳнамолигида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Юртимизда туризмни ривожлантиришга қаратилган бу каби ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформа-

сида туризм йўналишида белгиланган мақсад-вазифаларнинг ҳаётага таъбиқ этилишига ҳам хизмат қилади. Таъкидлаш жоиз, бу борада ЎзМТДП томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жойлардаги ташкилотларимиз ва партия гуруҳларимиз ҳудудлардаги сайёҳлик манзиллари, шу жумладан, маданий мерос объектларининг ҳолатини, соҳа кадрларини тайёрловчи масканларнинг фаолиятини, мавжуд муаммоларни ўрганимоқда. Маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаббус-масалалар киритилиб, аниқ вазифалар ақс этган қарорлар қабул қилинишига эришилмоқда. Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш лозим. Зеро, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, жойларда ички туризмни янада сердаромад соҳага айлантириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилади.

Семинарда жойлардаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш, белгиланган иш режа бўйича изчил фаолият олиб бориш, "Уйма-уй" лойиҳаси, сайёр қабул каби аҳоли билан мулоқот қилишга қаратилган амалий ишларни янада фаоллаштириш лозимлиги таъкидланди. Партия етакчиси маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолияти таҳлилига эътибор қаратар экан, айрим партия гуруҳлари ва депутатлар ўз ваколатларидан самарали фойдаланмаётгани, сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлади. Хусусан, аҳоли мурожаатлари асосида депутатлик сўровларини амалга ошириш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш борасидаги ишлар етарли эмаслиги, Кенгаш сессиялари қарорлари ижроси кўп ҳолларда қозғода қолиб кетётгани қайд этилди. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига масала олиб чиқиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Масалан, 2018 йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари Наманган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 11 та, Қашқадарё вилоятида 5 та, Сирдарё вилоятида 4 та масала сессиялар кун тартибига олиб чиқилган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги партия гуруҳлари Кенгашлар сессияларига бирорта ҳам масала олиб чиқишга эришилмаган. Шу ўринда савол туғилади: мазкур ҳудудлардаги депутатлар нима иш билан шуғулланган ёхуд у ерда сессияда муҳокама қилинадиган муаммо-масалалар йўқми? Семинар давомида фаолиятдаги мавжуд муаммолар қизгин муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Амалий семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Ширинов "Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда мурожаатлар билан ишлашнинг аҳамияти" мавзусида маъруза қилди. Депутат янги таҳрирда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, унинг эски таҳрирдасидан фарқли жиҳатлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди. Мурожаатларнинг турлари, шакллари, уларни қўриб чиқиш принциплари борасида тақдим этилган маълумотлар партия ташкилотлари ва гуруҳларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш фаолиятида асқотиши шубҳасиз. Маърузачи семинар иштирокчиларининг фуқаролар мурожаатлари бўйича амалдаги қонунчилик билан боғлиқ саволларига атрафлича жавоб қайтарди.

Ўзаро таҳрибга алмашиб мақсадини кўзлаган амалий семинар давомида ЎзМТДП Андижон вилояти кенгаши раиси Ҳамиджон Омоновнинг "Маҳаллий партия ташкилотларида ҳужжатлар билан ишлаш ва ижро интизомини ташкил қилиш масалалари" мавзусидаги маърузаси тингланди. Андижон вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотларида олиб бориладиган ишлар ва эришилаётган натижалар тўғрисида видеоролик намойиш этилди. Намунали бошланғич партия ташкилотлари фаолияти хусусида тўхталиб ўтилди.

— Ҳар бир сиёсий партия фаолиятида бошланғич ташкилот-

лар муҳим таянч бўгин ҳисобланади, — деди Ҳамиджон Омонов. — Чунки улар аҳолини сиёсий партия фаолиятидан боҳабар қилишда, унинг дастурий вазифаларини тарғиб этишда энг ақин кўмакчи саналади. Бу борада ЎзМТДП Андижон вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида муайян таҳрибга тўпланиб, намунали бошланғич партия ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, вилоятдаги "ЎзДонгЖу" қўшма корхонаси ва "Боғишамол текстил" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил



етилган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, бошқа ҳудудлардаги қўйи бўғинлар фаолиятини ҳам юқори даражага олиб чиқиш устида иш олиб боришмоқда. Партия фаоллари ва депутатлардан иборат махсус гуруҳ тузилиб, шу йилнинг ўтган даврида вилоятдаги барча БПТлар қайта рўйхатдан ўтказилди. Натижада қозғода бор, амалда йўқ бошланғич ташкилотлар аниқланиб, уларнинг фаолияти қайтадан ташкил этилди. БПТ етакчиларининг партия сафига янги аъзолар қабул қилиш, ҳужжатлар билан ишлаш борасидаги кўникмалари янада оширилди. Ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилиб, сафдорларимиз сонини кўпайтириш ва янги БПТларни тузишга эътибор қаратилмоқда.

Амалий семинар давомида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳаза ва тақдир-таъсияларини билдирди.

— Худудий партия ташкилотлари вакиллари ўзаро таҳрибга алмашига қаратилган амалий семинар доирасида ЎзМТДП

Тошкент шаҳар ҳамда Учтепа туман кенгашларида бўлишди. Мазкур партия ташкилотларининг фаолияти, иш тартиби, ҳужжатлар юритиш билан ақиндан танишдилар.

Учтепа туман кенгаши раиси Гулнора Ваҳобова кенгаш фаолияти, ҳудуд аҳолисидан келиб тушаётган мурожаатлар ва уларни ҳал этиш бўйича олиб бориладиган ишлар билан барчани таништирди.

— Туманимизда ҳозирги пайтда 1200 нафарга яқин партия аъзолари рўйхатдан ўтган. Халқ депутатлари туман Кенгашида 6 нафар депутатимиз фаолият олиб бормоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида фуқаролардан жами 47 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатлар асосида тегишли ташкилот ва корхоналарга 5 та депутатлик сўрови жўнатилган. Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига 2 та ташаббус-масала олиб чиқилди. Ҳали олдимизда турган талай вазифалар бор. Муҳими, аҳолини рози қилиш, мурожаатлар ортидаги одамларнинг оғирини енгил қилиш. Бу борада бор имкониятларимизни ишга солишга, депутатларимиз ваколатларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратамиз.

Шундан сўн семинар иштирокчилари навбатдаги манзилга — ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг энг намунали бошланғич ташкилоти тузилган "Magnum medical servis" МЧЖга йўл олишди. Турли тиббий асбоб-анжом ва ускуналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур МЧЖ қошидаги БПТ аъзоларининг иш фаолияти билан танишилди.

Худудий партия ташкилотлари вакиллари семинар асносида пойтахтимизнинг диққатга сазовор гўшаларини бориб кўрди — Биринчи Президент Ислам Каримов номидagi илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида бўлиб, ёдгорлик монументи пойига гуллар қўйилди. Бундан ташқари, қайта реконструкция қилинган "Халқлар дўстлиги" майдони ва Ш.Шомаҳмудовлар ҳайкали ва бошқа замонавий меъморий обидаларни томоша қилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур амалий семинар худудий партия ташкилотлари вакиллари ҳамда ЎзМТДП гуруҳлари учун ўзаро таҳрибга алмашиб, намунали иш услубларини ўрганиш, кўникмаларни янада бойитиш майдони бўлди. Келгусида айнан ана шу тарздаги семинарларни тез-тез ташкил этиш ЎзМТДП фаолияти самардорлигини ошириш, камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш, партия ғоя ва мақсад-вазифаларини ҳаётага таъбиқ этишда муҳим аҳмиятга эга.

Равнанжон ОТАБАЕВ,  
ЎзМТДП Фарғона вилояти  
кенгаши Ижроия кўмитаси  
девоми раҳбари:

— Мазкур амалий семинар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, қўшни вилоят вакиллари томонидан тайёрланган мултимедиа ва тақдиротларни қўриб, улардан ўрганадиган жиҳатларимиз борлигини англадим. Семинарда бошқа вилоятлардан келган ҳамкасблар билан ўзаро таҳрибга алмашганимиз фаолиятимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу каби тадбирлар кўпроқ уюштирилса, мавжуд камчиликларимиз, олдимизда турган вазифаларни ижобий ҳал этишимизга кўмак беради.

Туйғун ДЎСТҚОБИЛОВ,  
ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгаши  
Ижроия кўмитаси девони раҳбари:

— Амалий семинар давомида тақдим этилган ҳар бир маъруза ва билдирилган фикр-мулоҳазалар, шунингдек, партия Тошкент шаҳар ва Учтепа туман кенгаши фаолияти билан яқиндан танишганимиз сиёсий билим ва кўникмаларимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этди. Мени, айниқса, "Magnum medical servis" МЧЖ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти ҳамда партия Жалақудук тумани кенгаши томонидан олиб бориладиган ишлар эътиборини тортди. Дарҳақиқат, мазкур туман кенгашида ҳужжатларни юритиш тартиби таҳсинга лойиқ. Шунингдек, Тошкент шаҳар кенгашининг ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш йўналишидаги ишлари ҳам намунали фаолият сифатида ўрганишга арзийди. Бу каби амалий семинарлар, ўзаро таҳрибга алмашиб фаолиятимизни кучайтиришга хизмат қилади.

Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,  
Муҳтарам РАМАЗОНОВА,  
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Ташаббус натижа берди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда мутолаа ва китобхонлик маданиятини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам ёш авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, бу йўналишда ижодий ташкилотлар, наشريётлар ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш масаласи маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифалардан эътиб белгиланган.

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС...

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖАРҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎЗМТДП ГУРУҲИ КИТОБХОНЛИК МАСАЛАСИНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи айна шу мақсадда ҳудудда китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини янада кенгайтириш, аҳоли ва ёшлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш масаласини ўрганиб сессия кун тартибига олиб чиқди.

Сессияда партия туман кенгаши раиси Олим Жабборов ўрганиш натижалари хусусида маълумот берди.

— Кутубхоналар бугунги кунда ҳақиқий зие масканига айланиши керак. Халқимиз китобни азалдан нондек эъзозлайди. Китобни эъзозлайдиган, уни қадрлайдиган миллатнинг кележаги чиндан ҳам буюк. Президентимизнинг соҳага оид қарори айни шу мақсадда қабул қилинган. Туманимизда ушбу қарор ижроси ўрганилганда ҳудудда китобхонлик ва китоб савдоси бўйича қатор муаммолар йиғилиб қолгани маълум бўлди. Ахборот-ресурс марказларини янада ривожлантириш, кутубхона фондлари ва тумандаги ташкилотлар “Маънавият” хоналарини ўқув-услубий, бадий, техник-амалий, илмий-оммабоп ҳамда маърифий адабиётлар билан янада бойитишни босқичма-босқич амалга ошириш кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Бундан ташқари, чекка ҳудудларда аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини буткул қайтадан ташкил этиш ҳамда замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланишига эришиш лозим.

Туманимиздаги аксар ахборот-ресурс марказларига ажратилган хоналар тор ва етарли шароитга эга эмас. Уларга 2017 йил давомида жами бир минг 400 га яқин аҳоли ва ўқувчилар ташриф буюрган. Ҳолбуки, туманда 205 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ахборот-ресурс марказларидаги жами китоб фонди эса атиги 4 минг 831 тани ташкил қилади. Бу эса ҳудуд аҳолиси сонига нисбатан жуда кам, — деди О.Жабборов ўз маърузасида.

Депутатлар жойлардаги умумтаълим мактабларининг кутубхоналари фаолияти, уларнинг китоб фондиди ўрганишда ушбу муаммонинг кўлами янада яққол кўринди. Масалан, умумтаълим 12-умумтаълим максадида 591 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлса-да, муассаса кутубхонасида

атиги 550 номдаги адабиёт мавжуд. Аслида мактаб ўқувчиларининг китоблар билан таъминланиш даражаси битта ўқувчига 7 тани китобни ташкил этиши керак. Худди шундай ҳолат тумандаги 28-умумтаълим мактабида ҳам мавжудлиги аниқланди. Таълим масканида 794 нафар ўқувчи тахсил олади, лекин кутубхона “бойлиги” атиги 600 тани китобдан иборат. Ҳар икки ўқув масканида ҳам электрон адабиётлар ва компьютер техникаси умуман мавжуд эмас.

Партия гуруҳининг ушбу ташаббус-масаласи сессия иштирокчиларининг қизгин баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, тегишли му-тасаддларга Президент қарори ижросини таъминлаш ва сессияда кўриб чиқилган масалалар бўйича бир қатор вазифа ва мажбуриятлар юқланди. Қарорда туманда китоб мутолааси ва китобхонлик мадания-тини оширишга доир тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада аҳоли ўртасида “Энг китобхон мактаб”, “Энг китобхон маҳал-ла”, “Энг китобхон оила”, “Энг фаол кутубхоначи” каби кўрик-танловларни юқори савияда ўтказишни йўлга қўйиш, миллий, маънавий қадриятларимизга, ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган, маънан саёз, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган

**Бахтиёр МУСУРМОНҚУЛОВ,**  
**халқ депутатлари Жарқўрғон**  
**туман Кенгашидаги ЎЗМТДП гуруҳи раҳбари:**

— Ўрганишлар жараёнида, жойларда аҳоли ва ўқув му-ассасалари ўқувчилари билан учрашувларда кутубхоналар фаолияти талабга жавоб бермаётгани, китоблар нархи би-роз қимматлиги ва электрон адабиётларга тўғридан-тўғри улашиш имкониятининг йўқлиги кўп бор таъкидланди.

Ҳозирги кунда тумандаги 57 умумтаълим мактабида жами 34 минг 210 нафар ўқувчи таълим олмоқда, мактаб кутубхо-насида эса 25 мингдан ортиқ бадий адабиёт мавжуд. Де-мак, бир ўқувчига ҳатто бир дона ҳам китоб тўғри келмайди. Галдаги вазифа мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишдан

адабиётларни тарқатишнинг олдини олиш бўйича аниқ вазифалар ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, тумандаги ўқув масканлари кутуб-хоналарини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер жамланмаси, китоб жавонлари, мебель ҳамда бадий адабиётлар, жаҳон ва ўзбек ада-биётининг нодир намуналари билан таъминлаш лозим-лиги белгиланди. Маънавий тарғиботи маркази туман бўлими, “Жарқўрғон” газетаси тахририяти ҳамда барча маҳалла фуқаролар йиғини раислари зиммасига аҳоли ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш ва омма-вий ахборот воситаларида ёритиб бориш вазифалари юқлатилди. Туман молия бўлими ўтаётган йил давомида китоб фондиди бойитиш мақсадида тумандаги барча муассасалар кутубхона ва ахборот марказларига 2017 йилгига нисбатан 2 миллион сўмга кўп — 30 миллион сўм ажратиши лозим эди. Аммо 3 ой ўтган бўлса-да, ҳалигача маблағлар тегишли ахборот-ресурслар ман-зилига йўналтирилмагани қайд этилиб, бу борадаги ишларни охиригача етказиш вазифаси туман молия бўлими зиммасига юқлатилди.

Китобхонлик маданияти, уни ёшлар орасида кенг тарғиб-ташвиқот этиш, бунинг учун зарур шароит яратиш масаласи сессия кун тартибига олиб чиқилди, албатта, бежиз эмас. Чунки китоб инсон маънавиятини юксалтирувчи буюк куч, инсониятнинг тарихий хотираси, келажак йўлларини ёрқин кўрсатиб беришга қодир машъададир. Модомки шундай экан, бу борада барча бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳат-ликда ҳаракат қилиш, ушбу йўналишдаги эзу ишларга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Айниқса, ЎЗМТДП гуруҳларининг бундай саъй-ҳаракатлари нафақат ёшлар камолоти, балки партия дастурий мақсад-вазифалари рўёбига ҳам хизмат қилади.

Иборат. Маҳаллалардаги бўш турган бино ва иншоотларда кутубхоналар ҳамда китоб савдоси билан шуғулланувчи дўконларни ташкил этиш лозим. Соҳадаги яна бир оғриқли нукта — бу кутубхона ва китоб нашриёти бўйича малакали кадрларнинг етишмаслиги. Шу боис, кўплаб кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида соҳа мутахассислари фаолият олиб бормаяпти. Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган қарорда айнан шу соҳадаги мутахассисларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишга эътибор қаратилган. Мавжуд муаммоларга ечим топмиш, вазифалар ижросини таъминлаш биз депутатлар зиммасидадир.

**Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

“Хизмат — беминнат”

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантири-риш, уларнинг эмин-эркин фаолият юритиши, ҳўжалик томоққаларидан унумли фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратиш берилди, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширил-ёттир. Хусусан, яқна тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатга олиниши соддалаштирилган тартибда амалга ошириляётганлиги, улар учун қатъий белгилаб қўйилган солиқлар тўлаш жорий қилингани ва бошқа имтиёзлар соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

ИЗЛАГАН  
ИМКОН ТОПАДИ

Жиззах вилоятида ҳам тадбиркорлик-нинг ушбу тури имкониятларидан тўлақон-ли фойдаланишга интиляётган инсонлар кўп. Дўстлик туманидаги “Олтин водий” қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Комилахон Баратова ўз бизнесини ривожлантираётган шундай тадбиркорлар-дан бири.

— Юртимизда тадбиркорлик фаоли-ятини юритиш борасида яратилган замона-вий шароит ва имкониятларни кўриб, тадбиркор бўлишга қарор қилдим. — дейди Комилахон Баратова. — ЎЗМТДП фаоллари кўмагида Республика “Хунарманд” уюшма-сининг вилоят бошқармасига борганимда улар мени рўйхатдан ўтказиш билан бирга, фаолиятимни йўлга қўйиш борасида ҳам амалий ёрдам берди. Банкдан 15 миллион сўм кредит олиб, тикув цехини ишга тушир-дик. 4 киши иш билан таъминланди. Қисқа вақтда маҳсулотларимизга ички бозорда харидор қўлайди.

Дарҳақиқат, банк кредити тадбиркор-ликни ривожлантиришнинг асосий омил-ларидан биридир. Комилахон Баратова бир неча йил аввал тадбиркорлик фао-лиятини йўлга қўйишни мақсад қилганида дастлаб ишни нимадан бошлашни ҳам билмасди. Шунда у амалий ёрдам сўраб Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демокра-тик партияси Дўстлик туман кенгашига мурожаат қилди.

ЎЗМТДП вилоят кенгаши “Аёллар қа-ноти” Комилахонни дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган “Хунармандчилик-ни янада ривожлантириш ва хунарман-ларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳиятини ўрганиш юзасидан ташкил қилинган ўқув-семинарга тақлиф этди. У ушбу мулоқотда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий

ва амалий асослари, бу борада қонунчи-лигимизга киритилган янгилıklar, кредит бериш тартиб-қоидалари, тадбиркорлари-мизнинг эмин-эркин иш юритишига доир жорий этилган тизимли ишлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлди.

Кўп ўтмай, бўлгуси тадбиркорнинг му-рожаати қонуний асосда кўриб чиқилди, барча ҳужжатлар тўпланди, “Микрокре-дитбанк”нинг туман бўлимига тақдим этилди. Республика “Хунарманд” уюш-масининг вилоят бошқармаси тадбир-кор аёлни рўйхатдан ўтказган, унга гул босилган газламалар ва чоқли буюмлар ишлаб чиқаришга оид гувоҳнома берди. “Микрокредитбанк”нинг туман бўлими 15 миллион сўм кредит ажратди ва кўп ўтмай Гафур Фулом номидаги маҳалла марказида тикувчилик цехи ишга туширилди.

— Одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бунёд-корлик янада кенг кулоч ёзади, — дейди тадбиркор. — Тадбиркор бўлишни кўп йиллардан буён орзу қилардим ва ниҳоят ЎЗМТДП вакиллари ёрдами билан орзу-ларим ушaldi. Айни пайтда партиянинг “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида цехимизда 3 нафар ёш мутахассис доимий иш билан таъминланди. Келгусида фао-лиятимизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ниятимиз бор. Ҳозирда “устоз-шогирд” аъёналарини давом этти-рган ҳолда коллеж битирувчиларидан ўнга яқин ёшни шогирдликка олганман.

Ҳа, ўз оиласи, эл-юрти фаровонлигига хисса қўшмоқчи бўлган бундай тадбирли инсонлар Дўстлик туманида етарлича топи-лади. Ва буларнинг барида бир ҳақиқат му-жассам — яхши яшаш учун ҳаракат қилган одам имкон топади, баракага ҳам эришади.

**Наргиза ХОЛБОЕВА,**  
**ЎЗМТДП Дўстлик туман**  
**кенгаши етакчи мутахассиси**

Болалар фольклори

“БАСАНД” —  
БОЛАЛАРНИ ЧОРЛЯПТИ

ЮНЕСКО эътирофига сазовор бўлган Бойсун — Сурхон заминиди-да нодир дурдона саналади. Унинг узоқ йиллик тарихи, қадриятлари, санъати, хунармандчилиги асрлар мобайнида шаклланиб, янгиланиб, сайқалланиб келмоқда. Ана шундай нодир қийматга эга қадрият ва аъёналарни, осори-атиқаларни келажак авлодга етказиш ҳар бири-мизнинг вазифамиздир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платфор-масида миллий қадрият ва аъёналарни асраб-авайлаш, миллий санъатимиз ва маданиятимиз ривожига кўмаклашиш партиянинг маънавий-маърифий соҳадаги устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Партия ташкилотлари ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда. Яқинда ЎЗМТДП Бойсун туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Басанд” болалар ашула ва рақс дастаси ана шундай амалий ишлардан бири бўлди.

— Маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиқдек асраб-авайлаш, бойитиш, болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун кулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш, камол топиб келаятган ёш авлод онгида халқ аъёналарига, миллий санъатимизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром туйғусини уйғотиш партияимизнинг устувор вазифаларидан саналади, — деди ЎЗМТДП Бойсун туман кенгаши раиси Даврон Арипов. — Ушбу дастурий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бойсундаги мактабгача таълим муассасаларида тахсил олаётган, умуман, ҳудуддаги болалар учун мўлжалланган “Басанд” болалар ашула ва рақс дастаси ташкил этилди. Бундан қўнларан асосий мақсад — фарзандларимизга халқ оғзаки ижоди намуналари, куй ва рақсларни ўргатиш, янгидан-янги иқтидорларни кашф этиб, уларни рағбатлантириш, истеъдодини рўёбга чиқаришдан иборат. Бойсуннинг тарихий номи билан аталган “Басанд” бо-лалар ашула ва рақс дастаси жамоаси ўз репертуарида қадимий болалар фольклор санъатининг саҳнавий кўринишларини ҳозирги замон руҳи билан уйғунлаштирган ҳолда ижро этаётгани ўзига хос болалар фольклор мактаби шаклланаётганидан даролатдир.

Партия туман кенгашининг ҳамкорлиги ва ҳомийлигида ташкил этилган янги ҳаваскор дастага Абдунаби Қодиров раҳбарлик қилмоқда. “Басанд” болалар ашула ва рақс дастаси айни пайтда аждоқларимиз айтган халқона кўшиқлар, турли урф-одат, маросим ва удумларни бадий ва ғойий жиҳатдан ўрганишни бошлаб юборди. Бундан ташқари, жамоа туманда ўтказиляётган оммавий тадбир-лар, бир қатор маданий кеча ва маросимларда ўз чиқишлари билан қатнашиб, томошабинлар эътибори ва ҳурматини қозонишга ҳам улгурди. Ота-оналар дастага болаларини олиб келишяётгани қисқа фурсатда унинг фаолияти катта-ю кичикнинг эътиборини тортаётганининг тасдиғидир.

ЎЗМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган бун-дай ташаббус ва саъй-ҳаракатлар партия ғоя-мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш билан бирга, энг муҳими, фарзандларимизнинг маънавий-маданий жиҳатдан юксалишига, халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳраманд бўлиб, уларга меҳр-муҳаббат руҳида улғайишига хизмат қилади. Қолаверса, бу эътибор эртанги кун эгаларини янада илҳомлантириб, болалик оламини бойишда, янгилік яратишга иштиёқ уйғотади.

**Бобур СОБИРОВ,**  
**ЎЗМТДП Бойсун туман кенгаши**  
**“Ёшлар қаноти” етакчиси**

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

ФАОЛЛИК ВА  
ТАШАББУСКОРЛИК —  
ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги иштиро-кни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбе-кистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча ташкилоти айни шу мақсадда ўз “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга интилямоқда.

Ҳар бир сиёсий партия, энг аввало, барқарор электоратига эга бўлишга интилади. Бу партиянинг омма орасидаги мавқеи ва фуқароларнинг ишончига қай даражада қира олишига боғ-лиқ. Шу нуқтаи назардан ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши ўз фаолияти давомида аҳоли орасига кириб боришга, аъзолари сонини оширишга эътибор қаратмоқда. Албатта, сиёсий пар-тия ўз мафкурасини кенг жамоатчилик орасида ёйиши, партия имижини ошириши учун тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориши лозим. Мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқти-содий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга ошириляётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, тушунтириш мақсадида партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари томонидан давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 12 июлда парламент, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракат вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида “Партиялар фуқа-роларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ғойий, мафкуравий эҳти-ёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эришолмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам — бунга яширишнинг ҳожати йўқ”, дея таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” де-мократик партияси аниқ машғулотага эга бўлмаган ва бандлиги таъминланмаган уюшмаган ёшлар билан ишлашга қаратилган “Уйма-уй” лойиҳасини ишлаб чиқди. Ўтган вақт мобайнида лойиҳа доирасида республикамизнинг барча шаҳар ва туман-нига кириб борилиб, минглаб ёшларнинг ижтимоий фаоллиги таъминланди. Партия Хоразм вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” етакчилари “Уйма-уй” ҳамда “Хизмат — беминнат” лойиҳалари доирасида 71 хонадонда бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Бепул 15 ўқув курси очилиб, уларда 75 хотин-қиз касб-хунар ҳамда хорижий тил-ларни ўрганипти.

Халқ депутатлари Хонқа туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайлан-ган депутат Ойгул Ёқубованиннг уйма-уй ўрганишлари давомида Юлдуз Қиличеваниннг иш топа олмаётгани аниқланди. Фуқаро депутат ёрдами билан “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхонасига назоратчи вазифасига ишга жойлаштирилди. Бундай мисол-ларни яна келтириш мумкин, аммо барча тумандаги депутат-ларимиз ёки “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” бу борада қониқарли фаолият олиб борапти, деб айтилмаймиз. Масалан, Қўшқўпир ва Янгибозор туманларида партия вакиллари уч ой давомида атиги иккита хонадон муаммосини ўрганигани қандай изоҳлаш мумкин? Демак, бу ерда депутатлар фаолияти кўнгилдагидек эмас.

Ботот, Урганч, Ҳазорасп, Шовот ва Янгибозор туманларида жорий йил биринчи чорагида “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасида бирорта ҳам ўқув курси ташкил этилмади. Нима, ушбу туманларда бунга эътиёй йўқми? Айрим туманларда эса номи бору, ўзи йўқ қабилида иш тутилмоқда. Бу эса ўша ҳудудларда ҳар иккала қанот ҳам султ фаолият олиб бораётганидан дарак беради. Бундан ташқари, айрим туманларда “Ёшлар қаноти”нинг белгиланган тадбирларни ўтказишида натижа кўринмаяпти, партия сафига иқтидорли ёшларни жалб этишда ижобий ўсишга эришилмаяпти.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗМТДП гуруҳлари аъзолари биринчи чорак давомида фуқаролар мурожаатлари асосида қатор депутатлик сўровларини амалга оширган. Жум-ладан, вилоят Кенгашидаги депутатлар 27 та, Янгибозор туман-идаги вакилларимиз 19, Урганч шаҳри 16, Урганч туманидаги депутатларимиз 13 депутатлик сўровини тегишли ташкилот ва корхоналар мутасаддиларига юборган. Аммо Қўшқўпир ва Хонқа туман Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари бор-йўғи 7, Гур-лан туманидаги вакиллари эса 4 та сўров юборганини қандай изоҳлаш мумкин?

Маҳаллий Кенгашлар йиғилишларида мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ташаббуси билан чиқишда Урганч, Ҳазорасп, Хива ҳамда Янгиариқ туман Кенгашларидаги партия гуруҳла-римиз бирорта ташаббус кўрсатмаган — мансабдор шахслар ҳисоботи тингланмаган. Айрим партия гуруҳлари эса доимий комиссиялар йиғилишларига тақлиф киритишда сусткашликка йўл қўйган.

ЎЗМТДП Хоразм вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига жорий йилнинг биринчи чорагида жами 98 мурожаат келиб тушган. Улар асосан бандлик, уй-жой, коммунал, иш ҳақи ва нафақалар, ижти-моий масалалар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларига оид. Мазкур мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга хат чиқарилиб, 72 таси ижобий ҳал этилган. Аммо айрим мурожаатлар устидан тегишли назорат олиб борилмагани уларнинг ижро муддати қўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўтуқлар ўзимизники, аммо камчиликлардан кўз юмиб бўлмай-ди. Бунинг учун ҳар биримиз ишимизга танқидий назар ташлаб, бугун нимани қилишга улгурдим, нимага улгуролмадик, қаерда хатога йўл қўйдим, деган саволларни ўзимизга бермоғимиз ло-зим. Шундагина фаолиятимизда ўзгариш, ўсиш бўлади.

**Ғофир ЮСУПОВ,**  
**ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши**  
**Ижроия қўмитаси девони раҳбари,**  
**Азамат САФАР,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## Ўқув-семинар

## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШ ВА ТАЪМИНЛАШ

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ИМИЖИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда демократик ислохотлар чуқурлашиб, партиялараро рақобат кучайиб бораётган бир пайтда ҳар бир партия ўз мафқураси ва гоёсини янги қарашлар билан бойитиши, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиб, сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан мустақкам ўрин эгаллашга интилиши табиий. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолиятини такомиллаштириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, дастурий мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформасида илгари сурилган гоёларни амалга оширишга бор куч ва имкониятини сафарбар этмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Сиёсий партиялар: дастурий вазифалар, соғлом рақобат ва электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари" мавзусидаги ўқув-семинарда шу ҳақда сўз борди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни амалга ошириш учун мустақкам ҳуқуқий асос яратилди, — деди семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Сиёсий тажриба ортириш, сиёсий етуқлик ва молиявий мустақилликка эришиш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топиш, энг асосийси, ўзининг барқарор электоратини шакллантириш юзасидан сиёсий партиялар, жумладан, ЎзМТДП ҳам маълум бир йўлни босиб ўтди. Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг вакиллари ва депутатлардан мамлакатимизда амалга ошириладиган

ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади". Шу боис, электорат муаммоларини изчил ўрганиб бориш, аҳоли мурожаатлари юзасидан депутатлик сўрови юбориш, маълум масалалар бўйича эшитувлар ўтказишга оид таклифлар киритиш, айниқса, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва янги қонун лойиҳаларига оид таклифлар ишлаб чиқиш партия фракцияси аъзолари ва жойлардаги партия гуруҳларининг асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим. Зеро, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фаол иштирок эттиш бир вақтнинг ўзида партия сайловолди Платформаси ижросини амалга оширишга, пировардида партия электорати манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув-семинарда сиёсий партиялар фаолиятини фуқаролик жамияти тамойиллари асосида такомиллаштириш, партиялараро рақобат, қонун ташаббускорлиги ва қонунлар сифатини оширишнинг муҳим омиллари, электорат билан ишлашнинг замонавий усуллари каби масалалар муҳокама қилинди, маърузалар тингланди ва тренинглар ташкил этилди.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлар орасида фақат сиёсий партиялар ҳокимият учун кура-



хилма-хиллиги бўлиши лозим. Айниқса, партиянинг жойларда, туман ташкилотларида фаолият олиб бораётган ходимларининг меҳнат самарадорлигини ошириш, уларнинг электорат билан тизимли мулоқот ўтказишини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак". Электорат билан ишлашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири аҳоли мурожаатлари, муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишдан иборатдир. Партия ташкилотлари раҳбарлари мунтазам равишда электоратни ўйлантираётган муҳим масалалар бўйича телевидение, матбуот орқали ўз позициясини билдириши, кенг жамоатчиликни партия сайловолди Платформасида

белгиланган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай ишлар амалга ошириладигани ҳақида хабардор қилиб бориши лозим.

Семинарда таъкидланганидек, бугун "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида депутатларнинг иш услубини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида "Марказ — вилоят — туман" тартиби жорий этилган бўлиб, мазкур тизим орқали юқоридан пастга тушиб, ҳам депутатлар, ҳам турли аҳоли қатламлари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолияти, қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиб борилмоқда. Шу тариқа Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси иш услубини халқ депутатлари вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳларига, вилоят Кенгашлари иш услубини эса туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларига ўргатиши имконияти пайдо бўлди. Партия ўз депутатлик корпусини партиялараро соғлом рақобатга

тайёрламоқда, электорат билан доимо ҳамнафас бўлишга, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглашга интилоқда.

Шунингдек, ўқув-семинарда қонунлар, Президент қарор ва фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик назоратини янада кучайтириш, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган амалий ишларни кенг йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди. Бу эса жойларда партия хайрихоҳлари сафининг янада ортишига хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳолига ЎзМТДПнинг позицияси, бошқа сиёсий партиялардан нимаси билан фарқ қилишини тушунириш бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири эканлиги қайд этилди.

Семинар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Бошқаруви психологияси ва социологияси" кафедраси доценти, социология фанлари доктори Шоҳида Содикова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими Валишер Давлатовнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, семинарда иштирокчилар ўртасида турли интерфаол машғуллар, сўровномалар ўтказилди. Улар орқали иштирокчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирди, тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчиларни қизиқтирган барча саволга маърузачи ҳамда тренерлар жавоб берди. Кун тартибидаги барча масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.



кенг қўламли ислохотларнинг иштирокчиси, ташаббускори ва асосий ижросиси бўлиши, электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали йўллари излаб топишни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "ҳар қандай сиёсий партия замон билан

шиш ҳуқуқига эга, — деди семинарда маъруза қилган Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Миллий ғоя" кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори Муқимжон Қирғизбоев. — Шу нуқтаи назардан партиялар ўртасида соғлом рақобат, фикрлар, позициялар

#### Ҳанифа ЗОКИРОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девоми бўлим бошлиғи:

— Бугунги ўқув-семинар партия ташкилотлари ходимларининг мафқуравий, маънавий-маърифий йўналишдаги билим ва тажрибаларини янада бойитишга хизмат қилди, десам адашмайман. Мазкур ўқув партия ташкилотларининг эришган натижалари билан бир қаторда, йўлга қўйган қанчаликларини таҳлил қилиш имконини ҳам берди. Шунингдек, семинарда иштирок этган ҳудудий партия ташкилотлари вакиллари маърузаларни тинглаб, ўз олдига партия гоёси ва мафқурасини тарғиб этишда ташаббускор бўлиш, электорат вакиллари билан мустақкам алоқа ўрнатиш, янги ва замонавий амалий ишларни илгари суриш ҳамда оммавий ахборот воситаларида янада таъсирчан чиқишлар қилишни мақсад қилиб қўйгани шубҳасиз.

#### Орифхўжа МЕЛИЕВ, ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси:

— Бугунги ўқув-семинарда тақдим этилган маърузалар 2019 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга муносиб тайёргарлик қўриш ва уни самарали ўтказишни ташкил этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда, айниқса, қонунчилик ташаббускорлиги ва қонунларнинг сифатини ошириш борасида муҳим маълумотлар берилди, баҳс-мунозаралар қилинди. Танқидий ва таҳлилий руҳда ўтган семинар давомида қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокамага қўйиш жараёни борасида ўз таклифларини билдирдим. Қонунлар қачонки ўзида халқ фикри ва эҳтиёжларини ифода қилса, самарали ишлайди. Аммо муҳокамалар жараёнида келиб тушаётган тақдирлар қониқарли даражада эмас. Сабаби, муҳокама этилаётган қонун лойиҳаларига таклиф билдириш учун кишида муайян билим ва кўникма бўлиши керак. Шу боис партия тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари, айниқса, қўйи ташкилотлар учун мунтазам равишда минтақавий семинарлар ташкил этиш лозим деб ўйлайман.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,  
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

## Кўрик-танлов

## ИҚТИДОР, ФАОЛЛИК, ТАШАББУСКОРЛИК

"XXI АСР АЁЛИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧЛАРИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ичунун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Аёллар қаноти" ҳам юксак билим ва тафаккурга эга хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий оғзи ва маданиятини янада оширишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" лойиҳаси доирасидаги "XXI аср аёли" кўрик-танлови ана шу йўналишдаги лойиҳалардан.

2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов йилдан-йилга оммавийлашиб бормоқда. Мазкур танловда ҳозирга қадар минг нафардан ортиқ хотин-қиз ўз билим ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди. Уларнинг аксарияти бугун давлат, жамоат ва партия ташкилотларида фаолият юритмоқда.

Шу кунларда жойларда ЎзМТДП "Аёллар қаноти"нинг "XXI аср аёли" кўрик-танлови туман ва шаҳар bosқичлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур кўрик-танлов Самарқанд вилоятининг Булунгур, Оқдарё, Пайариқ, Иштихон, Пастдаргом туманларида ҳам юқори савияда ташкил этилди.

— Партиянинг "Аёллар қаноти" анъанавий тарада ўтказиб келаётган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" лойиҳаси доирасидаги "XXI аср аёли" кўрик-танлови ҳудудимизда ҳам байрамона руҳда, қизгин ва уюшқоқлик билан ўтди, — дейди партия Пайариқ туман кенгаши раиси Маъруф Дўстбеков. — Уни ташкил этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатларимиз яқиндан ёрдам берди. Танловда кизларимиз ўзининг донолиги, зукко ва ташаббускорлиги, сиёсий жараёнлардаги фаоллигини намоён этди. Мақсадимиз — жойлардаги истеъдодли, фаол ва ташаббускор кизларни кашф қилиш, партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш, гоё ва мақсадларини кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Иштирокчи кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва маънавий саводхонликлари учун шарт — "Партия менинг тақдиримда", "Партия

фаолиятида ташаббусларим" ҳамда "Партия Дастури ва қонунчиликка таклифлар" асосида аниқланди. Танлов ғолибини аниқлашда иштирокчилардаги ташаббускорлик, дунёқарашнинг ғоявий ва мафқуравий жиҳатдан мустақкамлиги, миллий ва умумбашарий қадриятларни яхши ўзлаштирилганлигига аҳамият қаратилди. Партиянинг "Аёллар қаноти" фаоли Дилноза Назарова кўрик-танловнинг вилоят bosқичига йўланма олди.

— Танловга тайёргарлик қўриш жараёни кўпроқ ўқиш ва изланишни талаб этди, — дейди Дилноза Назарова. — Кўрик-танлов давомида нафақат сиёсий онгимиз ва дунёқарашимиз, қолаверса, нотиклик маҳорати, ўз фикрини аудиторияга тўла-тўқис, раво ва содда тилда етказиб беришга ҳам эътибор қаратилди. Мен танловда қатнашиш орқали сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари билан яқиндан танишибгина қолмасдан, депутатларнинг зиммасидаги масъулиятли вазифалар ҳақида ҳам тўлиқ маълумотларга эга бўлдим. Қисқа қилиб айтганда, танлов мени давлат ва жамоат ишларида янада фаолроқ бўлишга, эзгу ташаббуслар кўрсатишга ундагани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Бухоро вилоятидаги туман ва шаҳар партия ташкилотлари ўтказётган танловларда иштирокчиларнинг пухта тайёргарлиги мусобақанинг қизгин руҳда ўтишига сабаб бўлмоқда.

Кўрик-танловнинг Бухоро туман bosқичи иштирокчиларининг чиқишлари орқали томо-

шабинлар партиянинг аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ақл-заковатини эзгу ишларга йўналтириш, оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларини қўллаб-қувватлаш, сиёсий партиялар тизимида хотин-қизларнинг ролини ошириш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисида атофлича маълумотга эга бўлдилар. Иштирокчилар ўзларининг сиёсий ҳақда ҳуқуқий билимларини, қолаверса, нотиклик маҳоратини намоён этди.

Тадбирда партия туман кенгаши раиси Дилфуза Омонова хотин-қизларнинг ҳам оила, ҳам жамиятда мустақкам мавзегга эга эканлиги, мазкур кўрик-танлов ҳам уларни ана шундай мезонлар асосида шакллантиришда муҳим омил бўлаётганини қайд этди. Шунингдек, партиянинг хотин-қизлар йўналишидаги энг йирик ва аҳамиятли саналган "XXI аср аёли" кўрик-танлови партия гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Танловда 6 нафар қўйи бугун етакчилар Низомда белгиланган шартлар бўйича беллашди, ўз маҳорат ва салоҳиятини намоён этди. Ҳар бир шарт иштирокчиларнинг жиддий кураши, баҳс-мунозаралари остида кечди. Якуний натижаларга кўра, "Галасиёе овози" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Саодат Рўзиева ғолиб бўлиб, вилоят bosқичига йўланма олди.

Партиянинг Сирдарё вилояти туман ва шаҳар ташкилотлари ўтказган тадбирларда танлов иштирокчиларининг пухта тайёргарлиги унинг ҳар йилгидан ҳам қизгин ўтишига хизмат қилмоқда.

ЎзМТДП Ховос туман кенгаши ўтказган кўрик-танловда иштирокчилар ўзларининг сиёсий ҳақда ҳуқуқий билимларини, қолаверса, нотиклик маҳоратини намоён этди. Беллашувда ЎзМТДП фаоли, Ховос туманидаги 14-сонли Болалар musiқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Зарина Ражабова ғолиб топилиб, вилоят bosқичи

чада қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда хотин-қизларга қаратиладиган эътибор, яратилётган имкониятлар, айниқса, улар эришаётган ютуқ ва марраларда ёрқин намоён бўлаётганини таъкидлашди. Улар кўрик-танловнинг мунтазам ўтказиб келинаётганидан, ЎзМТДПнинг жамиятда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш борасида амалга ошираётган ишлардан мамнун эканликларини эътироф этди.

ЎзМТДПнинг "XXI аср аёли" кўрик-танлови Наманган вилоятидаги барча туман ва шаҳар партия ташкилотларида ҳам қизгин беллашувлар остида ўтмоқда. Бунда иштирокчилар ўзига бўлган ишончи ва билиминин ёрқин намоён этмоқда.



Чустадаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида бўлиб ўтган кўрик-танловда партия туман кенгаши раиси Илҳомжон Бурҳонов юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ролини кучайтириш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилётгани, бу жараёнда фаол қатнашаётган сиёсий партиялар қатори "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам истиқболли лойиҳалар изчил амалга ошириладигани таъкидлади. Қайд этилганидек, ушбу кўрик-тан-

лов хотин-қизларда Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларга хурмат туйғусини шакллантириш, уларнинг сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик хусусиятларини аниқлаб, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлашга қаратилган.

Кўрик-танлов қатнашчилари белгиланган шартлар бўйича ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказди.

Ҳақамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, иқтидор ва салоҳияти билан ажралиб турган "Босанда" маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилоти раиси, "Мадина заковат зиё" хусусий корхонаси раҳбари Мадина Ваҳобова ғолиб деб топилиб, танловнинг вилоят bosқичига йўланма олди.

— Айтиш жоиз, ҳар бир шартда хотин-қизларнинг донолиги, ташаббускорлиги ва зукколиги яққол кўзга ташланди, — дейди ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши бош мутахассиси Низома Ҳошимова. — Вилоят bosқичига йўланма олган иштирокчимиз қадимий ва навқирон Чустада ички туризмни ривожлантириш борасида инновацион гоё ва ташаббусларни татбиқ этиш борасида амалий ишларга киришган. У ўзи ташкил этган янги туристик ташкилот орқали вилоятимизга сайёҳлар оқимини оширишни мақсад қилиб

қўйган. Мазкур танловдан қўзланган мақсад ҳам бу каби истеъдодли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни кашф қилишдир.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган мазкур кўрик-танловнинг туман bosқичлари барча ҳудудда қизгин руҳда давом этмоқда.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,  
Оқилхон ДАДАБОВЕВ,  
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Иновацион ғоя — келажак асоси

### “АҚЛЛИ ҚАНДИЛ” “ҚАРСАК” ДАСТУРИ ВОСИТАСИДА ИШЛАЙДИ

“Оловуддиннинг сеҳрли чироғи” фильмини ҳаммамиз севиб томоша қилганмиз. Фильм қахрамони Оловуддин каби “қани эди мен ҳам сеҳрли чироқ топиб олсам”, деб орзу-хаёлларга берилганимиз ҳам бор гап...



ва эйтиборига сазовор бўлди. — Насиба университети-мизнинг интилувчан, фаол ва билимга чанқоқ талабаларидан, — дейди унинг илмий раҳбари Эрлан Жавгашев. — У “7-робототехник танлови”да ўзининг “Ақлли қандил”

XXI аср том маънода техника асри бўлиб, инсониятга бир замонлар эртак-афсоналардагина учрайдиган ақлли шоширвучи ихтиро ва кашфиётлар рўёбини тақдим этмоқда. Бугун ҳар дақиқада дунёнинг турли нуқтасида ана шундай номуқобил, оламшумул кашфиётлар қилинмоқда. Инсон интеллекти амалда Оловуддиннинг чироғидан қолишмаслигини исбот этаётир.

...Насиба Исломбоева болалигидан дугоналари каби кўғирчоқларга эмас, ўйинчоқ машиналарга қизиқиб улғайди. Унинг овуноқлари асосан ўйинчоқ машиналар, қурилмалар эди. Ўйинчоқ машиналарни бузар, ичини очиб, қандай механизм асосида ҳаракатланаётганини кузатар ва яна қайта йиғиб кўрарди. Йиллар ўтиб, техникага бўлган қизиқиши уни пойтахтимиздаги Турин политехника университетига етаклаб келди. Икки йилдирки, мазкур олий таълим муассасасининг машинасозлик технологиялари муҳандислиги факультетида таҳсил олмоқда.

Насибанинг техникага қизиқиши кўл келиб, университетдаги таълимнинг бошланғич давриданоқ ўз соҳасида кўплаб ютуқларни кўлга кирита бошлади. Унинг техникага оид ишланмаларини устозлари юқори баҳолаб, келгусида янада мукаммал техник ишланмалар устида бош қотиришига замин ҳозирлади. Ана шу заҳматлар самараси ўлароқ яратилган экологик “Ақлли қандил” лойиҳаси бугун кўпчилигининг эътирофи

лоийҳаси билан иштирок этиб, “оригинал дизайн” номинациясида ғолибликни кўлга киритди. Бу билан ушбу замонавий соҳа ривожига қўшганимизнинг ҳам улуши борлигини исбот этди. Насибанинг “Ақлли қандил” лойиҳасида махсус дизайн ишланмаси билан электроника қисми бирлашган бўлиб, ўзида ҳақиқий бежирим қурилмани ҳосил қилган. Айтиш жоизки, Насиба ушбу иновацион ғоя билан республика хотин-қизлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фаол қатнашиб, юртимизнинг ўнта энг яхши аёл ихтирочилари қаторидан жой олди.

Насибанинг таъкидлашича, экологияга зарар етказувчи маҳсулотлардан тайёрланадиган буюмлардан воз кечиш фурсати келди. Барчанинг уйда бор, керакисиз буюмлар: ошхона жиҳозлари, рангли қоғозлар, елим материалларни (масалан, оддий дискларни) бирлаштириш орқали ажойиб дизайнга эга қандил тайёрлаш мумкин. Бу инсоннинг эстетик қарашлари билан ҳам боғлиқ. Бунда хоҳлаган киши, истаган кўринишдаги қандилга эга бўлади. Ушбу лойиҳа воситасида уй шароитида оддий буюмлардан ажойиб кўринишдаги қандил ясаш, билвосита, уйнинг ички дизайнини ҳам хоҳиш-истагимиздан келиб чиқиб ўзгартириш, қолаверса, қандиллар учун сарфланадиган маблағни иқтисод қилиш мумкин. Натижанда, ортиқча буюмлардан халос бўламиз, энг муҳими, экологияга заррача зарар

етказилмайди. Албатта, лойиҳа имконияти фақат шу билан чекланмайди. Уни замон талабларига мослаштириш мақсадида махсус “қарсақ” дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур лойиҳага мувофиқ ўрнатилди. Қарангки, қандилни ўчириб-ёқиш учун биргина қарсақнинг ўзи етарли. “Қарсақ” тизими “Arduino” микро чипига “С” деб номланган дастур ёрдамида ёзилади. Ҳозирча “қарсақ” тизими 5 метр масофадан ишламоқда. Уни барча турдаги қандилларда қўллаш мумкин. Бундай тизимда ишлайдиган қандиллар аҳолига кўплаб қулайликлар туғдиради. Айниқса, имконияти чекланган аҳоли учун айтиш мумкин. Бу иновацион лойиҳани шифохоналарда, ишхона-идораларда амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

— Ҳозирда махсус техника курсида таҳсил олиб, ушбу иновацион лойиҳамни янада такомиллаштириш, янги функциялар қўшиш имкониятларини кўриб чиқмоқдаман, — дейди Насиба Исломбоева. — Бу лойиҳа ҳам жамиятимизда имконияти чекланган аҳоли қатлами учун мўлжалланган, ҳам экологик тоза, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаши билан аҳамиятли. Келажакда жамиятимиз учун фойдаси тегадиган яна бир қанча ғоялар устида ишлашни мақсад қилганман.

Ушбу иновацион экологик “Ақлли қандил” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан расмий рўйхатдан ўтказилиб, патентлаштирилди. Айтиш мумкин, лойиҳа амалиётга кенг жорий этиш босқичида кўриб чиқилмоқда.

Насибанинг лойиҳасини кузатар эканмиз, ўзимизни ғаройиб чироқ топиб олгандек сезмасак ҳам, ўз истеъдоди, иқтидори билан ясаган қандиллар орқали афсонавий тимсолларни реал ҳаётда кўриш қийин эмасдек туюлади. Бунинг рўёби, албатта, “Ақлли қандил” ёки “Қарсақ” дастури орқали амалга ошади. Бундан буён ёруғлик ва зулмат орасини биргина “қарсақ” ажратиб туради...

**Ислом ИБДУЛЛАЕВ,**  
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси**

Газетхон таклиф қилади...

Турмушимизни чой ва чойхонасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Илгари чойхонасиз (баъзи катта маҳаллаларда икки-учтадан чойхона бўлган) маҳалла бўлмаган. Ёз ойлари очик чойхоналар асосан ҳовуз бўйларида, оқар сув соҳилларида, чинор ва сада дарахтлари остида бўлган. Қиш кезлари ёпиқ биноларда ишлаган. Чойхона маҳалла аҳлининг оммавий-маданий маркази, маърифий ва истироҳат маскани бўлган. Маҳалла аҳлининг умумий йиғилишлари, сайловларга тайёргарликлар чойхонада ўтказилган. Чойхона айтиш пайтда ахборот олинадиган жой ҳам бўлган. Чойхонага келиб турган киши турфа хабарлардан, маҳалла аҳли ҳол-аҳволдан воқиф бўлган. Рўзғоридан қийналиб қолган бечораларга, бошига оғир мусибат тушганларга ҳам бир пиёла чой устида чора топишган, ҳашарга ҳам шу ерда даъват қилинган. Чойхона айтиш пайтда таълим-тарбия ўчоғи бўлган. Ёшлар катталардан юриш-туришини, муомала маданиятини ўргана борган. Йиғилишлар “чойхона кўрган” ва “чойхона кўрмаган” тоифаларга бўлинган. Чойхона кўрганлар киришимли, нотаниш кишилар орасида ўзини йўқотиб қўймайдиган, даврага дадил киришиб кета олган ва ҳақозо.

### ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИ: КЕЧА ВА БУГУН



Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки йиллардаги Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги чойхоналар аҳоли ва фаолиятдан бир мунча хабардорман, ўз кўзим билан кўрганман. Уларнинг тўрида устига қизил мато ёпилган узунчоқ стол бўларди, устида ўша пайтдаги газета ва журналларнинг таҳамлари турарди.

Ҳамма чойхонада радиокарнайлар эрта-ю кеч тинмай ишларди. Мавлуда Аъзамова, Назира Аҳмедова, Меҳри Абдуллаева, Акбар Ҳайдаров, Турғун Каримов, Карим Зокиров, Насим Ҳошимов, кейинроқ Маъмуржон Узоқов ва Жўраҳон Султонов ижросидаги концертлар бериларди. Чойхоналарда рақс кечалари ҳам бўларди. Уларда Тамарахоним, Учқун Ғаниев ва Тўхта Рисметованинг берилиб рақсга тушганига гувоҳ бўлганман. Маҳаллий ва республика миқёсидаги сайловларда чойхоналар сайлов участкалари бўлган, ярим кунлик бўфетлар ишлаган, уларда қора нон, тешиқкулча, нишолда суртилган бўғирсоқдек кулча (пряник)лар, киши бошига 200 граммдан шакер сотилган.

Чойхоналар ўтмишда “Адрес бюроси”, “Почта”, “Кўноқ уйи” вазифаларини ҳам ўтаган. Мусофир киши маҳалла гузарига келиб, чойхонага кириб, керакли одами қайси уйда туришини чойхоначидан сўраган. Бошқа шаҳардан юборилган хат-хабар ҳам чойхоначига топширилган. Узоқ-яқиндан шаҳарга келиб, ўша кунги иши битмаган кишилар чойхонада тунаган. Қиш кунлари тор доирада

ўтказиладиган “гап”лар, ошхўрликлар ҳам чойхонада ўтказилган. Хуллас, чойхона халқимиз турмушига чуқур кириб борган.

Йиллар ўтиши билан чойхоналарнинг ҳолати, аҳоли ва вазифаси ҳам ўзгара борди, хордиқ ва истироҳат масканига айланди. Тошкентда янги типдаги биринчи чойхона 1957 йилнинг кузида, пахта терими мавсуми бошланиши арафасида Тахтапудда — Қичқирқў сойининг соҳилида “Оталар чойхонаси” номи билан очилди. Мен САГУ (ҳозирги Миллий университет)да биринчи курсда ўқирдим. Янги чойхона очилиши хабари бутун шаҳримизга тарқалди. Биз ўшанда бир неча курсдош чойхона очилиши маросимига борганмиз. Унда республика раҳбарлари, диний идора вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этган.

Тошкентда “Оталар чойхонаси”дан кейин “Мовий гум-базлар”, “Салом”, “Самарқанд”, “Фарғона” каби замонавий чойхоналар қурилди. Лекин орадан йиллар ўтгач, афсуски, бу чойхоналар ошхона, кафеларга айланиб кетди. Бир пиёла чой устида дўстлар, маҳалладошлар, ҳамкасбалар билан суҳбатлашиб, дунё хабарларидан воқиф бўлинадиган оддий чойхоналар эндиликда Тошкентдай азим шаҳарда ҳам бармоқ билан санарлидир.

Айтиш мумкин, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Айниқса, “Обод қишлоқ” дастури асосида қишлоқларини зинг буткул янгилаш қиёфа касб этмоқда. Шаҳарларимизда янги мавзелар, уларда замонавий маҳалла гузарлари қад ростлаётир. Агар уларнинг ёнида замонавий чойхоналар ҳам ўрин олса, нур-устига нур бўларди. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг туризм салоҳияти юксалишига хизмат қилади. Юртимизга келган хорижлик сайёҳни замонавий ўзбекона чойхоналаримиз қизиқтириши, табиий. Миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирган ва шу асосда жиҳозланган замонавий чойхоналар юртимиз ва миллатимиз қиёфаси, нафаси ва тароватини намоян этиди.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор**

Боқий кадрият

### ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ УЛАРНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИДА ЎРНИ БЕҚИЁС

**Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда.  
Кўп эртак эшитардим,  
Сўйлаб берарди бувим...**

Атоқли шоир Ҳамид Олимжоннинг ушбу сатрлари катта-кичикка ёд бўлиб кетган. Биз бу сатрларни бежиз келтирмадик. Чунки бола онги ва қалбиди оқ ва қора, яхши-ёмон тушунчалар айнан эртак воситасида ўз инъикосини топади ва шаклланади: Зумрад — яхши, Қиммат — ёмон, сеҳргар — яхши, дев — ёмон, пари — яхши, ялмоғиз — ёмон...

Эртаклардаги бу тимсоллар болада яхшиликка рағбат, ёмонликка нафрат туйғуларини уйғотади. Бу, ўз навбатида, болада интилувчанлик, курашувчанлик туйғуларини тарбиялайди. Ҳозирги кунда эртакнинг бундай хусусиятларини чуқур англаб етган ва ундан унумли фойдаланган кинематографлар ва мультфильм яратувчи ижодкорлар бир ва кўп қисми кино ва мультфильмлар яратиш йўлида самарали изланишлар олиб бормоқда.

Фарзанд ҳаёт пилапояларидан одимлаб борар экан, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларини ҳам ўз фаолиятида жо қилиб боради. Бунда, айниқса, мақол ва топишмоқ жанри муҳим аҳамиятга эга. “Хунар — хунардан унар”, “Етти ўлчаб — бир кес” сингари мақолларни дарслик китобида ўқиб мағзини қақишга уринган, бобоси ёки буvisи айтган топишмоқнинг жавобини топишга ҳаракат қилган бола онгида таҳлил ва мушоада қилиш маҳорати шакллана боради. Дарҳақиқат, инсон мантиқий хотираси ривожланишида фольклорнинг ўрни ва аҳамияти беқийёс.

Халқ оғзаки ижодининг нисбатан катта жанри ҳисобланган достонлар ҳам болада ҳалоллик, ростўйлик, жасурлик тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилади. “Алломиш”, “Тўрўғли” сингари достонларда халқимиз турмуш тарзига хос жиҳатлар бадий тасвирлар орқали тилдан тилга ўтиб келган. Техника шиддат билан ривожланиб бораётган бу асрда бугуннинг болажонлари сеvimли қаҳрамонлари, уларнинг ҳис-туйғуларга йўғирилган ҳаётини катта экранларда кўриш бахтига муяссар бўлиб келмоқдалар.

Бола кўчага чиқиб, маҳалла-кўй маросимларига қўшили

оладиган ёшга етгач, унинг тарбиясида мавсум ва маросим қўшиқлари муҳим аҳамиятга эга бўла боради. “Рамазон айтиб келдик эшигингизга, Кўчқордек ўғил берсин бешигингизга...” дея жарангдор овозда уй эшигини тақиллатиб келган болакайларга уй эгалари совға улашишларини яхши эслаймиз. Шу ўринда айтиш мумкинки, Наврўз билан боғлиқ қўшиқлар, Рамазон қўшиқлари мавсум қўшиқлари, сумалак тайёрлаш вақтидаги қўшиқлар, ёр-ёр ва келин саломлар маросим қўшиқларининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бу жараёнда бола кўни-кўшни, қариндош-уруғлар билан танишади, миллат менталитети, урф-одат ва анъаналарини ўзлаштира боради. Бундай воситалар болани келажакда миллатнинг фаол вакилига айланишига ёрдам беради.

Халқ оғзаки ижоди жанрларида жо бўлган мавзулар инсоний кечинмалар асосида дунёга келганлиги, миллат шазни тушунчаси устун туриши билан ҳам инсон тарбиясида аҳамиятлидир. Унинг доираси жуда кенг бўлиб, кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Нафақат болалик, балки ўсмирлик, ўрта ёш, хатто қариллик даврида ҳам таъсир эта олади. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиш учун муҳим омил саналади.

Модомики шундай экан, халқ оғзаки ижоди намуналарини энг таъсирчан омил саналувчи телевидение орқали кенг миқёсда тарғиб этиш, ўзбек мультимедияларини фольклор жанрига таянган ҳолда ишлаган мультфильмларни “Ёшлар”, “Болажон” сингари кўпчилик севиб томоша қиладиган телеканалларда намойиш этиш, улар асосида хориж давлатларидаги каби кўп қисми мультфильмлар ишлашни йўлга қўйиш лозим. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди — афсона, эртак ва эпослар асосидаги сценарийлар танлови ташкил қилинса нур устига нур бўларди. Зеро, ҳалоллик, масъулият, меҳр-оқибат сингари юксак фазилатлар тараннум этилган бундай асарлар ёшларнинг она Ватанга ҳурмат, ибратли анъана ва қадриятларимизга содиқлик руҳида камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

**Илҳомжон КАРИМОВ,**  
**ношир**

Брифинг

**Оила — муқаддас кўрган, жамиятнинг муҳим бўғини сифатида ҳамisha давлатимиз гамхўрлиги ва эътиборида. Оилага бир неча асрлар оша сақланиб, шаклланиб келатган кадрияту урф-одатлар, эр-хотин муносабатлари, фарзандлар тарбияси камол топадиган ошён сифатида жиддий эътибор қаратилади ва ҳимоя қилинади. Шундай экан, оила шахс камолотининг асоси саналади.**

### ОИЛА МУАММОЛАРИ “ОИЛА” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ ЭЪТИБОРИДА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази ташкил этилди. Мутлақо янгидан шакллантирилган марказнинг асосий вазифаси этиб давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини оилаларни мустаҳкамлаш асосидаги тадқиқотларни амалга ошириш, оила жамият ва давлат ҳимоясида экани тўғрисидаги конституциявий принципни кенг тарғиб этиш ва аҳоли онгига сингдириш каби қатор вазифалар белгиланди.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятига 100 кун тўлиши муносабати билан ташкил этилган сарҳисоб-брифингда оила масаласи, оилавий муносабат ва қадриятлар чуқур таҳлил этилди. Таъкидланганидек, энг аввало, марказнинг вилоят босқичлари, шаҳар ва туман бўлимлари ташкил этилиб, улар саралаб олинган кадрлар билан таъминланди. Етакчи олим, профессорлар, хуқуқшунос, психологлар, хорижий эксперт ва бошқа мута-

хассислар кенг жалб этилди. — Оила барчамиз учун азиз ва қадрили даргоҳ, — дейди “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директор ўринбосари Дилбар Алимжонова. — Ана шу қутлуғ даргоҳ қадрини сақлаш, оилаларда ажримларга барҳам бериш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бугун оилаларга тегишли муаммолар атрофлича ўрганилмоқда. Оилалардаги қийинчилик кўрсаткичи аниқланиб, уларни ҳар бир ҳудуд экани тўғрисидаги конституциявий график, этник-ижтимоий, тарихий, маданий-маърифий хусусиятларидан келиб чиқиб, бартараф этиш чоралари кўриляётир.

Брифингда қайд этилганидек, марказ томонидан олиб борилган дастлабки илмий-амалий тадқиқотлар натижалари ёшларнинг оилавий турмушга тайёр эмаслиги, турли тушунмовчиликлар, арзимас олд-бердилар ҳам ажримларга сабаб бўлиб, бошқа жиддий оилавий муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини далилат берапти. Демак, оила институтини мустаҳкамлаш учун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида

тушунтириш-тарғибот ишларини шунчаки ҳисобот учун эмас, балки, ҳалқлик, тўғри ва самарали олиб бориш ҳаётий заруратга айланмоқда. Табиийки, бу “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказидан амалиётга замонавий усул ва ёндашувларни татбиқ этишни талаб этади. Шу боис, аҳоли орасида оила маданияти ва маърифатини бутун умр мобайнида мустаҳкамлаб бориш лозимлиги эришиш шарт ва зарурдир.

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятининг энг устувор йўналиши — бу оилавий ажримларнинг олдини олиш. Бу борада Сирдарё вилоятида олиб борилган илмий изланишлар яқунлари, натижалари ҳақида маълумот берилди.

Брифингда ижтимоий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган оилалар ҳам марказнинг доимий диққат-эътиборида эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу масалага Наманган вилояти мисолида янги инновацион ёндашув жорий этишга киришилгани ҳақида маълумот тақдим этилди.

**Нигора НИШОНБОВА,**  
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Музейда бир кун...

## АФРОСИЁБ БАҒРИДАГИ СИРЛАР

Қадимдан "Ер юзининг сайқали" дея эътироф этилган Самарқанд бетакрор сўзаллиги, ажойиб иқлими, ширин суви, мазали таом ва нонлари билан шуҳрат қозongan. Афросиёб — Самарқанд шаҳар тарихи музейини томоша қилган киши бундай таъриф унга бежиз берилмаганига яна бир бор амин бўлади.



Мазкур музей 1970 йилда Афросиёб шаҳарчаси — Самарқанднинг қадимий, мўғуллар истилосигача бўлган қисмида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 2 минг 600 дан ортқ экспонатга эга. Унинг экспозиция залларидан асосан милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридан XIII асрнинг бошларигача бўлган шаҳар тарихини ёритувчи экспонатлар ўрин олган. Музейда Самарқанднинг моддий маданиятидан гувоҳлик берувчи қарийб 20 мингдан ортқ осори-атиқа — сопол, шиша, тош, металл, суяк, коралистика ва меъморий нақшлардан иборат бой тўплам мавжуд. Экспонатларнинг асосий қисми музейнинг II залдан иборат экспозицияларида намойиш этилиб, қолган ёрдамчи материаллар музей фондларида сақланмоқда.

Афросиёб — Самарқанд шаҳар тарихи музейи мустақиллик йилларида янада ўзгача жозиба касб этди, қатор янги экспозициялар ташкил этилди. Унда шаҳарнинг, айниқса, кўшни халқлар билан бўлган маданий алоқаларига кенг ўрин берилган. Биринчи залда қадимий шаҳар тарихи, олимларнинг Афросиёбни тадқиқ этишга қўшган ҳиссаси ҳикоя қилинади.

— Экспозицияни ташкил этишда Афросиёбни даврлаштиришда

қўлга киритилган янгиликлар ва унинг Сўғдиёна шаҳарсозлик маданиятини ўрганишда туган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди музей директори Самариддин Мустафоқулов. — Илгари мазкур шаҳарнинг пайдо бўлиши аҳамонийлар империяси таркибига киргандан кейинги давр билан боғланган. Шаҳарнинг мудофаа девори остидан лўмбоз типидagi, қизил рангда безатилган сопол парчалари топилиганидан сўнг у қадимий Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва Марғиёна каби шаҳарлар билан деярли бир даврда вужудга келган, деган хулосага келинмоқда. Ушбу сопол парчаси милоддан аввалги XII-IX асрларга оид, деб қаралмоқда ва музейда экспонат сифатида намойиш этилмоқда. Улар орасида девор устидан топилган гувалаксимон ёшт намунаси ҳам жой олган. Бу тарихий ашёлар аҳамонийлар империясидан аввал, яъни қадимий Хоразм ёки Бақтрия маданияти даврларига оид бўлиб, ўша пайтда Марказий Осиёда ўзига хос шаҳарсозлик маданияти шаклланишидан дарак беради.

Музейнинг биринчи қават экспозициясида Афросиёб шаҳарчасининг ўрганилиш тарихи, Сўғдининг милоддан аввалги VIII-VII асрлардан милодий VII-VIII асрларгача бўлган тарихий даври экспонатлар воситасида ёритилган. Марказий залда эса Сўғд ҳукмдори (Ихшиди) Вархуман саройидаги "Элчилар хонаси"нинг суратлари жойлашган.

— Музейнинг иккинчи залида янги ташкил этилган экспозицияда "Зарафшон — бронза даврида" номли харита ҳам мавжуд, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Комилжон Раҳимов. — Унда Зарафшон қадимги маданиятлар тугашган ҳудуд эканига ургу берилди. Маълумки, милоддан аввалги III-II минг йилликларда Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё тоғолди ҳудудларида деҳқончилик маданиятига асосланган ўтроқ халқлар, Бухоро чўллари, Сирдарё ва Тошкент воҳаларида Евросиё минтақасига бирлашиб кетадиган Андронova маданиятининг маҳаллий

анъаналари кузатилади.

Зарафшон қадимдан минералларга бой ўлка ҳисобланган. Воҳанинڭ юқори қисмида жойлашган Саразм ёдгорлигида милоддан аввалги III-II минг йилликларда олтин, мис эритиб олиш билан шуғулланган аҳолининг турар-жой қолдиқлари топилиган. Шу нуқтаи назардан экспозиция Зарча-Халифа, Жом қишлоғи, Мўминобод, Ғилон ва Сазоғон ёдгорликларидан топилган бронза даври материаллари билан бойитилган. Топилмаларнинг аксарияти соф табиий мисдан ясалганлиги воҳанинڭ минералларга нақадар бойлигидан далolat беради. Музей залларида металл ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган тош болға, мис пичоқларнинг қолиплари намойиш этилмоқда.

Экспозициядаги тош куруллар орасидан қора гранитдан ясалган келича ҳам ўрин олган. Ғирча(келича)нинг коса ва ташқи қисми ойнадек силликлангани киши диққатини тортади. Бу хилдаги келилар қадимда зардуштийларнинг илоҳий хамоо ўсимлик шарбатини ёки сумалак тайёрлашда ниш урган бугдой шарбатини ажратиб олишда кенг қўлланилган.

Шу давр тарихини ёритувчи яна бир ноёб экспонат — бу Самарқанд шаҳрининг Сартепа даҳасида қазилма ишлари натижасида ўрганилган куллар маҳалласининг хумдони ҳисобланади. Маҳалланинڭ шаҳардан анча четда жойлашгани бу ерда хунармандчиликнинг ривожлангани, кулчилик эса унинг бир соҳаси сифатида алоҳида ажралиб чиққанидан далolat беради.

Мустақиллик йиллари халқроқ ўзбек-француз археологик экспедициясининг Афросиёбда олиб борган изланишлари натижасида қадимги заргарлик ва тўқимачилик устахоналарининг очилиши Афросиёбда инқироз даври эмас, балки тарихий ривожланиш бўлганлигини исботлади. Изланишлар жараёнида шу даврга оид тўқимачиликда кенг қўлланилган лой панажларнинг топилиши фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Кейинги йилларда шаҳар арқидан олиб борилган кенг миқёсли археологик қазилма ишлари натижасида милоддан аввалги III-I асрларга оид, ёниб кул бўлган шох омборхонасининг ўрганилиши Сўғдиёнада шаҳарларнинг ўрни ва уларнинг мавқеи тўғрисидаги мавжуд манбаларни янада бойитди.

Афросиёб шаҳарчасида Марказий Сўғдиёна ихшиди Вар-

хуман (VII-VIII асрлар) саройидан топилган девор суратлари музей фаҳри ҳисобланади. Бу давр маданиятини ёритувчи яна кўплаб осори-атиқалар экспонатлар қаторидан ўрин эгаллаган.

Араб истилосидан кейин шаҳардаги кўпгина науслар (сўғдий қабристонлари), улардаги остодонлар йўқ қилинган. Афросиёб шаҳарчасининг 27-қазилма жойида бадрабдан топилган остодонлар бунинг ёрқин исботидир. Ҳозирги кунда музей захирасида Афросиёб ва унинг атрофидан топилган ўнлаб остодонлар сақланиб келинмоқда. Шулар асосида сўғдийларнинг дафн маросими мавзусида Афросиёб ва унинг атрофидан топилган турли хил остодонлар илк бор кенг қўламада намойиш этилди. Остодонлар шаклан бир-бирига яқин бўлса-да, уларнинг безалиши турли хил. Айрим остодонлар ҳашаматли қасрни эслатса, айримларида ҳатто оддий безакнинг ҳам йўқлиги аҳоли ўртасидаги ижтимоий табақаланишдан далolat беради.

Иккинчи қават экспозицияси Марказий Осиёдаги араб истилоси давридaн мўғул боққинигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр мобайнида Самарқанд шаҳри анча кенгайиб, ҳозирги эски шаҳар ўрни мудофаа девори билан тўлиқ ўраб олинган. Экспозиция Афросиёб шаҳарчасидаги сув таъминоти тизими ва шаҳар харитаси намойиши билан бошланиб, кўرғазма залларидаги топилималар ўрта аср шаҳар тизими ҳаётидан ҳикоя қилади. Шунингдек, ундaн шаҳарнинг ишлаб чиқариш қисми бўлган работ, арки аъло ва шахристондан топилган осори-атиқалар ҳам ўрин олган. Унда ўрта аср сопол ишлаб чиқариш технологияси, темирчилик, шишасозлик намуналари ва меъморий безакли ёшт пишириш хумдонларининг макетлари ва ёшт намуналари билан танишишигиз мумкин.

Афросиёб — Самарқанд шаҳар тарихи музейи мамлакатимиздаги энг ноёб ва бой маданият муассасаси саналиб, археологик изланишлар натижасида топилган осори-атиқалар билан янада кенгайиб бормоқда, сайёҳлар эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

AGROBANK

"АГРОБАНК" ДАН  
ХУНАРМАНДЛАР УЧУН  
ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР!

"Хунарманд" уюшмасининг аъзосимисиз?  
Унда зарур мини-технология, асбоб-ускуна ва  
эхтиёт-қисмларни харид қилиш, шунингдек,  
айланма маблағларни тўлдириш учун банкнинг  
имтиёзли кредитларидан фойдаланинг!

Кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг  
300 баробари миқдоридa 2 йил муддатга,  
6 ой имтиёзли давр билан ажратилади.

➤ Асбоб-ускуна ва  
эхтиёт-қисмлар хариди учун — 7 фoиз.

➤ Айлaнма маблағларни  
тўлдириш учун — 14 фoиз.

Азиз хунармандлар,  
фаолиятингизни  
AGROBANK  
билан ривожлантиринг!

www.agrobank.uz

тел. (+99871) 203 88 88

Хизматлар лицензияланган

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,  
Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Амридин БЕРДИМУРОДОВ,  
Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ,  
Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Исмаил ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета таҳририят компьютер марказида теришти ва сақланади.

ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,  
Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими:  
234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Ҳажини 4 босма табоқ об'ект усулида босилди. Когоз бичими А-2

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Савол сиздан...

ЗАМОНАВИЙ  
СВЕТАДИОДЛИ ЛАМПА  
ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИККА ЭГА?

— Оммавий ахборот воситаларида  
замонавий светодиоодли лампаларнинг  
тежамкорлиги ҳақида кўп гапирилади.  
Аммо улар электр энергиясини аввалги  
лампага нисбатан қанча тежаш  
тўғрисида аниқ маълумот берилмайди.  
Ё бу ҳам реклама қилишининг бир усулими?

Хуршида ЖИЯНОВА,  
Тошкент шаҳри

— Светодиодли лампалар, дарҳақиқат,  
электр энергияни 90 фоизгача тежаш  
имконига эга. Уларда суяк симоб қўлла-  
нилмайди. Шу боис ҳам хавфсиз, ҳам улар  
учун махсус утилизация шарт эмас. Ишлаш  
муддати 30 минг соатгача. Унинг 10 вольт-  
лиси аввалги 100 вольтли оддий чўғланма  
лампаининг ўрнини боса олади. Кучланиши  
220 вольтдан 230 вольтгача. Бундан ташқари,  
унинг қафолат муддати — 1 йил.

— Кундалик турмушимизда кўп ишлати-  
ладиган термометр ҳақида деярли  
маълумотга эга эмас эканман. Ай-  
тинг-чи, уни қим қачон ишлаб чиқарган?

Жонибек БОЗОРОВ,  
Навоий вилояти

— Термометри 1597 йилда Галилей  
ихтиро қилган. У дастлаб термометр сопол  
деб аталган. Бугунги кунда термометрнинг  
суяқлиқ, механик, оптик, электрик, газ ва  
инфракизил нурланишларни ўлчайдиган  
бир неча тури мавжуд.

— Яқинда дўкondан хорижда ишлаб  
чиқарилган ва "Ўзстандарт" агентли-  
гининг мувофиқлик сертификатига эга  
газ ҳисоблагич сотиб олдим. Шу серти-  
фикат энди менга газ ўлчагич асбоби  
(воситасини) 4 йил давомида метрологик  
текширувдан ўтказмасдан фойдаланиш  
ҳуқуқини берадими?

Гулжаҳон КУБАЕВА,  
Тошкент шаҳри

— Ҳа, Ўзбекистон Республикасига хо-  
риждан импорт қилинган ва мувофиқлик  
сертификатига эга газ ўлчагич асбоби  
(воситаси)дан сиз 4 йил давомида қайта  
қиёслашдан ўтказмасдан фойдаланиши-  
нинг мумкин. Бироқ газ ўлчагич асбобини  
сотиб олаётганингизда сотувчидан унинг  
мувофиқлик сертификати нусхасини талаб  
қилишни унутманг.

Азиз ҲАКИМОВ,  
"Республика синов ва  
сертификатлаштириш маркази"  
давлат корхонаси бўлим бошлиғи

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ЎРИК — САРХИЛ, ТОТЛИ  
ВА ФОЙДАЛИ МЕВА



Ўрик ўзига хос таъмга эга. Уни  
сархиллигида ҳам, қайнатиб,  
қуритилган ҳолда ҳам истеъ-  
мол қилиш мумкин. Уй бекалари  
бу мевадан шарбат ва мураббо  
тайёрлайди. Озуқа ҳамда дори  
сифатида кенг фойдаланилади.  
Юрак-қон томир ва ошқозон-ичак  
касалигига чалинган ёки ортиқча  
вазндaн азият чекувчи кишилар  
учун кўпроқ ўрик ейиш тавсия  
этилади.

Ўрик гиповитаминоз, авитаминоз  
ва камқонликда яхши ёрдам беради.  
Саратон хасталигида фойдали. Бу ажой-  
иб, иштаҳа очувчи мева организмнинг  
турли хасталикларга қарши курашиш  
қобилиятини оширади ва организм-  
нинг ҳаётий муҳим функцияларини  
қайта тиклайди. Парҳезбop мева бў-  
либ, дунё диетологлари уни, айниқса,  
моддалар алмашинуви ва овқат ҳазм

қилиш жараёни учун фойдали маҳсу-  
лот, деб ҳисоблайди. Таркибида темир  
моддаси кўп.

Ўрик магний ва фосфорга бой. Мия  
фаолиятини яхшилайди. Таркибидаги  
магний юқори қон босимини муъта-  
диллаштиришда яхши самара беради.  
Крахмал ва пектин эса организмдан  
ортиқча холестерин ва захарли модда-  
ларни чиқариб ташлашга кўмаклашади.  
Ўрик минерал тузларга бой. Минерал  
тузлар одамнинг асаб тизими ва мода-  
далар алмашинувининг нормаллашуви  
учун муҳим саналади.

Унинг шарбати ҳам шифобахш. Ме-  
васига қараганда энгил ҳазм бўлади.  
Ҳомиладор аёллар, қолаверса, болалар  
учун жуда фойдали. 150 грамм ўрик  
шарбати организмнинг каротинга  
бўлган кунлик эҳтиёжини қондириши  
мумкин. Янги изилган ўрик меваси  
ўрнини унинг ўқисини ҳам боса олади.

Халқ табобатида ўрик мевасидан  
тайёрланган қайнатмадан пешоб ҳай-  
довчи, қон босимини туширувчи, қонни  
кўпайтирувчи ва бошқа мақсадларда  
кенг фойдаланилади. Меъда-ичак ка-  
саликлари (қабзият, гастрит), сариқ  
(гепатит) касаллигининг ўткир тури  
билан оғриган беморлар уни камроқ  
истеъмол қилмоғи мақсадга мувофиқ.

ТУРФА ОЛАМ

БИР ФИЛДИРАКЛИ ЭЛЕКТР МОТОЦИКЛ



Британиялик ҳаваскор муҳандис  
Жон Дингли бир филдиракли "Mega  
Hub Motor Electric Unicycle" деб ном-  
ланган мувозанат сақловчи электр  
мотоцикл ихтиро қилди, деб ёзди  
"segodnya.ua".

У 3 минг ваттлик электромотор воситасида  
ҳаракатланади. Мотоциклни ясашда 1950 йил-  
ларда ишлаб чиқарилган "Урал" мотоцикли-  
нинг баъзи эҳтиёт қисмларидан фойдаланилди.

Дингли Интернетга жойлаштирилган видеороликлар воситасида ўз иختиросини "кўз-  
кўз қилиб", унда қандай юриш кераклигини тушунтирмоқда. Мотоцикл юқори тезликда  
ҳаракатлана олади. Дингли хавфсизлик нуқтаи назаридан уни ҳали энг юқори тезликда  
синаб кўргани йўқ. Ихтирочининг айтишича, у оддий мотоцикл каби бошқарилади.

Наргиза ХОНКЕЛДИЕВА,  
Миробод туманидаги  
218-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Газета ҳафтанинڭ чоршанба кунини чиққиди.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан  
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 516, Адади — 7730. Газетанинڭ баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтарома КОМИЛОВА

Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ

Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ

Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz,

mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширилди — 23.10.

ISSN 2010-7714

7 72 010 771 003

1 2 3 5 6



VATAN TUVU'USI HAR NARSADAN USTUN  
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ